

**РАИС ҚАДР-ҚИММАТИНИ
ЕРГА УРМАНГ, СЎРОВ
ҚИЛМАНГ!..**

5

**«МАҲАЛЛА КЎМАК
БЕРСА, СОЛИҚ
ҲИСОБЛАНАДИМИ?»**

8

**«ИДОРАНИНГ
ЖОЙИНИ
ИЖАРАГА
БЕРИШГАН...»**



7

Maḥalla

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА



#47 (2133) | ШАНБА, 25 НОЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



**«4 ЙИЛДИРКИ,
ФАҚАТ ВАЪДА
ЭШИТЯПМИЗ...»**



13

**«РАҒБАТ
БЎЛМАГАЧ,
ИШИМИЗ
НАТИЖАСИ
КЎРИНМАЯПТИ»**



14

МАҲАЛЛА УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Маҳалла фуқаролар йиғинлари маблағларни тақсимлаш, молиялаштириш билан шуғулланмайди. Бу ўринда алоҳида маҳалла уюшмаси ташкил этилади. Бу уюшма вертикал тизим бўлиб, республика, вилоят ҳамда туман (шаҳар) бошқаруви бўлади. Жамоат фондидан маблағлар мана шу уюшмага етказилади ва электрон платформа орқали маблағлар молиялаштирилади. Назорат тизими тартибга солинади.

2

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!


**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ – 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ – 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07**

ЛОЙИХА

Маҳалла уюшмаси ташкил этилади

Ўзбекистонда янги тузилма — маҳалла уюшмаси ташкил этилади. Уюшма «Маҳалла бюджети» тизими доирасидаги жараёнларни тартибга солиди, фуқаролар йиғинларини қўллаб-қувватлайди. Бу борада Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, маҳаллалар ўз бюджетига эга бўлиш орқали ҳудуддаги муаммоларни мустақил ҳал этиши мумкин.



минланганлар қаторига киритилган, «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали эса 23 фоиз оилаларга ижтимоий нафақа тўловлари тўланмоқда. Эндиликда нафақа тўлаш бўйича йўлга қўйилаётган янги тизим асосида ҳақиқатда муҳтож оилалар ижтимоий нафақалар билан қамраб олинади. Шу билан бирга, 2024 йилдан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам маблағларини маҳаллий бюджетдан эмас, Республика бюджетидан молиялаштириш режалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат: 2021-2023 йиллар давомида «Ташаббусли бюджет» жараёнлари учун Давлат бюджетидан қарийб 8,0 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Мазкур маблағлар доирасида жами ўн мингга яқин лойиҳалар ғолиб деб топилиб, беш мингдан ортик маҳаллада ижтимоий муаммолар бартараф этилишига эришилди. Шу боис ажратилаётган маблағлар янада кўпаяди. Жумладан, **2024 йилда бунинг учун 7,0 триллион сўм маблағ йўналтирилади.** Қолаверса, туман (шаҳар) бюджетларида кўзда тутилган ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар тўлиқ «Менинг йўлим» лойиҳаси доирасида фуқароларнинг ташаббуслари асосида йўналтирилади ҳамда ушбу мақсадларда 800,0 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2023 йилда ҳар бири 1,5 мингдан ортик овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган жиҳозлаш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари 2024 йил Давлат бюджети лойиҳасида кўзда тутилади. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларини янада такомиллаштириш, жойларда кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалдаги тартибга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш орқали **овоз беришда фуқароларни идентификация қилиш механизмини жорий этиш** тақлиф этиляпти.

«Маҳалла бюджети» қандай назорат қилинади?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида бу ҳақда маълумот берилди. Қонун лойиҳасига кўра, 2024 йилдан бошлаб ҳар бир маҳалла ўзининг бюджетига эга бўлади, ер ва мол-мулк солиқлари тушумларининг 10 фоизи уларда қолади. Бу — ҳар бир маҳалла ўртача 100 миллион сўмдан ўз бюджетига эга бўлади дегани. **Бунинг учун «Маҳалла бюджети» жамғармасига 426,8 миллиард сўм маблағ ажратилади.**

Муҳокамалар жарёнида депутатлар бу маблағларнинг назорати қандай бўлишига қизиқди. Саволга Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари Абдулазиз Ҳайдаров жавоб берар экан, маҳалла тизими фаолиятини такомил-

лаштириш бўйича Президент қарори лойиҳаси тайёрланган бўлиб, молиялаштириш тизими тубдан ўзгаришини қайд этди.

Янги тизимга кўра, бугунги кунда маҳалла фаолияти маҳаллий бюджетдан молиялаштирилаётган бўлса, энди Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларидан молиялаштириш кўзда тутилган. **Маблағлар тўғридан-тўғри берилмайди, жамоат фондининг ўзи маҳалла фаолиятини молиялаштиришга йўналтиради.** Бунда йўналиш икки қисмга бўлинади, биринчиси — маҳалла фаолиятини тўғридан-тўғри молиялаштириш бўлса, иккинчиси — маҳаллани қўллаб-қувватлаш жамғармаси. Яъни «Маҳалла бюджети» жамғармаси маблағларини сарфлаш тартиби белгиланмоқда. Қандай амалга оширилади, маблағлар қаерда жамланади, ким тақсимлайди —

Президент қарори лойиҳасида молиялаштириш механизми аниқ кўрсатилган.

Абдулазиз Ҳайдаровнинг таъкидлашича, **маҳалла фуқаролар йиғинлари маблағларни тақсимлаш, молиялаштириш билан шуғулланмайди.** Бу ўринда алоҳида маҳалла уюшмаси ташкил этилади. Бу уюшма вертикал тизим бўлиб, республика, вилоят ҳамда туман (шаҳар) бошқаруви бўлади. Жамоат фондидан маблағлар мана шу уюшмага етказилади ва электрон платформа орқали маблағлар молиялаштирилади. Назорат тизими тартибга солинади.

Шу билан бирга, лойиҳада фуқаролар йиғинлари фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусан, **маҳалла раисининг иш ҳақи, коммунал тўловлар, канцелярия моллари ва моддий-техник базасини мустақамлаш** харажатларини молиялаштиришни

тегишли маҳаллий бюджетлардан республика бюджетига ННТ кўринишида молиялаштиришга ўтказиш тақлиф этиляпти.

Овоз беришда фуқаро идентификация қилинади

Айтиш керакки, қонун лойиҳасида ижтимоий масалалар муҳим ўрин тутди. Хусусан, келгуси йилда **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари учун (нафақалар, моддий ёрдам, дафн тўловлари, ҳомиладорлик нафақалари ва бошқа компенсация тўловлари кўринишида) 18,6 триллион сўм маблағ режалаштирилган бўлиб**, шундан кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари тўловларига 10,3 триллион сўм йўналтирилади.

Жаҳон банки билан биргаликда ўтказилган сўровнома натижасига кўра, мамлакатимизда 14 фоиз уй хўжалиги кам таъ-

РАҒБАТ

Энг намунали ёшлар етакчиси қандай аниқланади?

Эндиликда маҳалладаги намунали иш фаолияти, ўзига хос тажрибаси билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ёшлар етакчилари юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритилади, ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим ташкилотларига малака оширишга юборилади. Шунингдек, улар «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этилади.



Ҳап шундаки, Ҳукуматнинг 2023 йил 20 ноябрдаги тегишли қарори билан «Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низомга кўра, танлов маҳалладаги ёшлар етакчиси лавозимида камида битта маҳаллада 6 ой давомида

фаолият юритаётган, амалий иш тажрибасига эга етакчилар ўртасида ўтказилади.

Унда 10 та йўналишда, жумладан, «Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ва жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёшлар билан тизимли ишлаган энг намунали маҳалла етакчиси»

йўналишида ички ишлар органлари томонидан ёшлар жиноятчилигини ўтган даврдаги нисбатан жорий йилда камайган деб топилган маҳалла етакчилари қатнашади.

Шунга кўра, ҳар йили 5 сентябргача Ёшлар ишлари агентлиги расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида танлов ўтказилиши тўғрисида эълон берилади. Рўйхатдан ўтиш ҳар йили 5-30 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. Танловнинг туман (шаҳар) босқичи — октябрь ойида, ҳудудий саралаш босқичи — ноябрь ойида, республика финал босқичи — декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида ўтказилади.

Қатнашчилар ўз фаолиятини амалга оширган ишларини кўрсатиб берувчи тегишли маълумотлар, альбом ва давомийлиги 5 дақиқадан ошмайдиган видеоролик орқали намойиш этади ва изоҳлайди. Шунингдек, улар маҳаллада ёшлар етакчиси сифатида фаолият бош-

лагандан сўнг ўз устида ишлаб, шахсий ривожланишида кўрсатган натижасига қараб баҳоланади. Бунда ҳудудий даражадаги ҳар бир ютуқ учун — 1 балл, республика даражасидаги ҳар бир ютуқ учун — 2 балл, халқаро даражадаги ҳар бир ютуқ учун — 3 баллдан берилади.

Танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий саралаш ва республика финал босқичида қўлга киритилган баллари қўшилиб, ҳар бир иштирокчининг тўплаган баллари эълон қилинади. Танлов ғолиби баллар йиғиндиси якуни бўйича аниқланади.

Республика босқичи ғолиблари қуйидаги имтиёزلарга эга бўлади:

- юқори лавозимга тайинлаш учун кадрлар захирасига киритиш;
- ривожланган хорижий давлатларнинг соҳага оид таълим ташкилотларига малака оширишга юбориш;
- «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони билан тақдирлашга тавсия этиш.

ТАЖРИБА

«Раислар Президент фармони ижросини бажарса, айбдор бўладими?»



Маҳаллада бир қатор ўзига хос тажрибалар бор. Жумладан, ҳар пайшанба кунини маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши йиғилиши ўтказилади. Унда «маҳалла бешлиги», имом-хатиб, психолог, отинойи, маҳалла фаоллари ва нуронийлардан иборат жамоатчилик кенгаши аъзолари аҳолидан келиб тушган мурожаатларни муҳокама этади.

Муҳокамаларнинг асосий қисми, қайнона-келин келишмовчилиги, оилавий ажралишлар, тadbиркорлик ва ўқувчи-ёшлар таълим-тарбиясидан иборат. Айниқса, қайнона-келин, нотинч оилалар масаласи кенгаш аъзолари иштирокида маҳалла идорасида муҳокама этилиши самарали бўляпти. Чунки эртага бошқа бир фуқаро кенг жамоатчилик олдида муҳокама бўлиб, аҳоли ўртасида гап-сўз бўлишдан қўрқади.

Ёш оила бошлиқлари орасида қайнона-келин келишмовчилигида кимга

ён босишни билмай, аросатда қолиш ҳолатлар кузатилмоқда. Бундай вазиятда қудалар алоҳида, келин-куёв алоҳида чақирилиб, жамоатчилик кенгаши аъзолари иштирокида тўғри йўналишлар берилмоқда. Спорт тўғраракларига қатнашиб, тенгдошларига зўравонлик қилаётган, таълим-тарбияси ёмонлашаётган ўқувчилар маҳалла идорасига чақиртирилиб, ота-онаси иштирокида муҳокама этилиши натижасида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Шунингдек, кенгаш йиғилишида

куз-қиш мавсумига тайёргарлик, қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчилик, виртуал қабулхонага қилинган мурожаатлар ўрганилиб, қонуний қарорлар қабул қилиниб, аҳоли ўртасидаги келишмовчиликлар бартараф этилмоқда. Хуллас, барча масалалар шу кенгаш йиғилишида муҳокама этилиб, ижобий ечимлар топилмоқда.

Бундан ташқари, профилактика инспектори хулосаси асосида «маҳалла бешлиги» ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор, нотинч оилалар, ичкиликка ружу қўйганлар каби 14 та тоифага бўлинган аҳоли билан ишламоқда. Ҳар бир оила билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб борилиб, уларнинг йиғма жилди юритилади. Бу тизим салбий тоифадаги аҳолининг ижобий томонга ўзгаришига хизмат қилмоқда.



МУАММО:

— Маҳалла ҳудудидаги, яъни кўп қаватли уйлар олди-ларида ҳашар йўли билан қурилган нотурар жойларнинг кадастр ҳужжатларини маҳалла мулки қилиб ўтказиб бериш ва ушбу жойларда тadbиркорликни ривожлантириш зарур. Ҳозирда барча нотурар жойлар оператив бошқарув тизимида ва ижара қўмиталари томонидан уч томонлама шартномага асосан, 60 фоиз маблағ ижара қўмитасига, 40 фоизи маҳаллага ўтказилади.

ТАКЛИФ:

— Биринчидан, маҳалла раислари аҳолининг маънавият ва маърифатини ошириш, ёшлар тарбияси билан шуғулланишга эмас, кўпроқ қоғоз-бозлик ишларига ўралашиб қоляпти. Шу сабаб ҳужжат ишлари билан алоҳида ходим ҳамда ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланадиган бухгалтер керак;

— Иккинчидан, «маҳалла бешлиги» ходимларининг ҳар бири алоҳи-

да-алоҳида ташкилотларга боғланган. Бу, ўз навбатида, айрим маҳалла-ларда маълум келишмовчиликларни келтириб чиқараётгани бор гап. Шу сабаб маҳалла тизимини алоҳида ташкилот сифатида ажратиш зарур;

— Учунчидан, маҳалла фуқаролар йиғинларида жорий этилган кўча ва кўп қаватли уй бошлиқлари аҳоли томонидан сайланади. Лекин улар иш фаолиятини ҳеч қандай рағбат-

лантиришсиз жамоатчилик асосида олиб боради. Олдинлари кўча ва уй бошлиқларига коммунал тўловлар учун 100 фоиз, йўлак бошлиқларига 50 фоиздан чегирмалар бор эди. Шу сабаб ушбу лавозимларни, иш фаолиятига оид низом ва рағбатлантириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

Неъматжон МАМАШАРИПОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги
«Боғ кўча» маҳалласи раиси.

ТАШАББУС



«Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик қайд этилмаган»

Шаҳар ҳудудларида маҳалла раисларининг асосий фаолияти аҳоли бандлиги ва ҳуқуқбузарликни таъминлашдир. Бу борада «Олмос» маҳалласида ўзига хос тажрибалар бор. Шу сабаб ҳудудда бирорта гиёҳвандлик, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари йўқ.

Аввало, жамоатчилик назорати кучайтирилди. Фуқароларга ким, қаерда, қандай ҳуқуқбузарликка гувоҳ бўлса, аҳолини тезкорлик билан хабардор қилиши таъкидланди. Натижа узоқ куттирмади, бир хонадонга ўғрилиққа тушган фуқаро аҳолининг серкалиги туфайли тезда қўлга олинди. Бу ҳолат кенг жамоатчилик олдида муҳокама этилиб, тегишли чора кўрилди. Шундан сўнг ҳудудда бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Бунда кўча бошиларнинг ўрни алоҳида. Улар кўчасига ким келиб-кетаётганидан доим хабардор. Шу сабаб бир вақтнинг ўзида барча кўчалардаги ҳолатдан хабардор бўлиб бораман.



Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида тикувчилик соҳаси яхши ривожланыпти. Иш-сизлар касбга ўқитилиб, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда. Хусусан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га рўйхатга киритилган хотин-қизларга субсидия, дафтарда йўқларга кредит асосида тикув машиналари берилиб, касаначилик билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилди. Шунингдек, 4 та тикувчилик цехи ташкил этилиб, уларнинг ҳар бирида 20-25 нафар хотин-қиз банд.

Республика бўйича олти маҳалланинг инфраструктураси «Жаҳон тараққиёт банки» кўмагида молиялаштирилмоқда. Жумладан, «Олмос» маҳалласида биринчи босқичда ҳар бир кўчага сув тармоқлари тортилиб, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари олиб бориляпти. Бу жараён 2024 йил июнь ойида тўлиқ якунланиб, ишга туширилади.

Иккинчи босқичда, кўчалар асфальтланиб, тунги ёритқич чироқлари ўрнатилади. Пиёдалар учун йўлаклар қурилади. Учунчи босқичда, ҳудудда боғ, амфитеатр, кафе қурилиб, ер ости қувурлар ётқизилади.

Биргина муаммо, ҳудуддан ўтган канални 20 метр кўтариб, кўприк қуриш керак. Чунки ўқувчилар каналнинг у томонидаги мактабга бориб-келишга қийналишмоқда.

Аҳмаджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
Янгийўл шаҳридаги
«Олмос» маҳалласи раиси.



Раҳмонжон
АБДУҚОДИРОВ,
Қувасой шаҳар
«Қалача»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Маҳалламиз билан ўқиймиз»

— Маҳалламизга сўнги уч йил ичида давлат бюджетидан 17 миллиард сўм пул ажратилди. Янги боғча, мактаб ва катта сув иншооти барпо этилди. Фуқароларимиз кундан-кунга яхшиланиб бораётган турмуш тарзидан миннатдор.

Шундай шароитда биздан талаб этиладигани чин дилдан меҳнат қилиш, холос. Қолаверса, ўз билим ва малакамизни ошириб бориш ҳам самарали натижаларга эришишимизга замин бўлади. Бунда мен ишончли манба сифатида «Mahalla»дан фойдаланаман.

Уни фақат маҳалла ходимлари эмас, нурунийларимиз интиқ бўлиб кутиб туришади. Уқиб бўлгач, бирма-бир уйларида олиб бориб бераман. «Mahalla»ни маҳалламиз билан ўқиганимиз учун келгуси йилга обуна бўлдик.

ҲУҚУҚ

Фатҳиддин АБДУРАҲИМОВ,
Наманган туманидаги «Анжирзор» маҳалласи раиси:

— «Ёшлар дафтари»га рўйхатга олинган йигит-қизларга қандай ва қанча муддат ёрдам кўрсатилгандан кейин рўйхатдан чиқариш белгиланган? «Ёшлар дафтари»да рўйхатда туриш муддати белгиланганми?



«Ёшлар дафтари»дан қанча муддатда чиқарилади?

Нодирбек АБДУҚОДИРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги ахборот хизмати раҳбари:

— «Ёшлар дафтари»га киритилгандан кейин чиқариш муддати ҳеч қайси низомда белгиланмаган. Фақатгина дафтарга киритиш жараёнида аризаларни кўриб чиқиш муддати кўрсатилган. Бунда ҳужжатлар 15 иш кунда тўлиқ ўрганиб чиқилиб, талабгорга хабарнома юборилади. Ёрдам олгандан кейин шу куннинг ўзида рўйхатдан чиқариб юборилади. Фақат фуқаролар эътиборли бўлиши керакки, «Ёшлар дафтари»га киритилгандаги рақами билангина дафтардан чиқарилади. Яъни, ёрдам кўрсатилгандан кейин, SMS-хабарнома шу рақамига келиши шарт. Бу ҳақда масъуллар хабардор қилингандан кейин ҳаққоний ёрдам кўрсатилган ҳисобланади.

«Ёшлар дафтари»да рўйхатда туриш муддати белгиланмаган. Қачонки, талабгор 30 ёшдан ошса, далолатнома асосида дафтардан чиқариш мумкин. Лекин бошқа ҳолатларда асосиз чиқариб юбориш мумкин эмас.

«Ёшлар дафтари»га киритилганларга фақат бир турдаги ёрдам кўрсатилиши белгиланган. Бирок истисно сифатида фуқаро аризасида «Бир марталик моддий ёрдам» турини танлаган бўлса-да, иккинчи, яъни қўшимча ёрдам олишга ҳақли. Бу ҳолатда бир марталик моддий ёрдам берилгандан кейин, уни дафтардан чиқариш ноконуний ҳисобланади.

ТАЖРИБА

«Автоулов бўлмаса, ҳамма ишга улгуриш қийин...»

Маҳалла ходимларининг ҳамкорликда иш ташкил этиши натижасида фуқаролар йиғини ўрни ва мавқеи юксалиб бормоқда. Раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспектори бирлашса, муаммолар осон ҳал этилишига тажрибада гувоҳимиз. 2021 ҳамда 2022 йилларда «Энг намунали маҳалла» танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлганимиз сўзимиз исботи.

Жорий йилнинг ўтган даврида 18 та кўчага янги симёғочлар ўрнатилди, 7 та кўчага 4,3 км. масофада асфальт ва 4 та кўчага 3 км. узунликда бетон қопламаси ётқизилди. Ажралиш ёқасидаги 5 нафар оилани яраштиришга эришилди. 898 оилада 2801 нафар аҳоли истиқомат қилади. Биргина ҳоким ёрдамчиси Умид Пирназаров кўмагида 59 та лойиҳага имтиёзли кредит ажратилди. 14 нафар фуқаро деҳқончилик билан шуғулланмоқда. 3 нафар фуқарога субсидия берилди.

Ёшлар етакчиси Алишер Абдиалимов ёрдамида 46 нафар йигит-қиз рўйхатга киритилди. «Ёшлар жамғармаси»дан 5 нафарига тўлов-контракт пуллари, 2 нафарига сафарбарлик чақирув резерви тўлови, 1 нафарига ҳайдовчилик гувоҳномаси учун тўлов амалга оширилган бўлса, 3 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари ажратилди. Тадбиркорликка йўналтирилган 15 нафар ёшларнинг имтиёзли кредит олишига кўмаклашилди. Қолган 5 нафари касб-хунарга ўқитилди. Худудда умуман жиноятчилик қайд этилмаган. Аммо ҳуқуқбузарликлар содир этган 5 нафар фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилган. 35 нафар аёлга амалий кўмак кўрсатилган. Шундан 15 нафарига тад-



биркорлик учун кредит ажратилган бўлса, 8 нафари доимий иш билан таъминланган. 25 нафарига бир марталик моддий ёрдам берилган.

Инфратузилма йилдан-йилга яхшиланмоқда. Бугунга келиб, 18 та кўчага 100 фоиз ичимлик сув тармоғи тортилди. Кўчалардаги эски симёғочлар янгиланди, трансформатор алмаштирилди. Йўллар асфальтланиб, пиёдалар йўлаклари қурилди. Худудга симсиз интернет тармоғи олиб келинди. 2019 йилда ҳашар йўли билан замонавий маҳалла биноси барпо этилди. Кези келганда таклифларни айтиб ўтаман. Аввало, маҳалла раисига хизмат машинаси берилиши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки ҳудуди катта маҳалла раислари битта масала ортидан кун ўтказишяпти. Масофа узоклиги учун

вақт етмаяпти. Ҳужжатлар билан ишлашга қўшимча ходимга эҳтиёж бор. Кўп маҳаллада ҳужжат ишлари тўғри юритилмаяпти. Қишлоқ жойларидаги маҳаллага камида 10 гектардан ер ажратиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этиш имконини бериш лозим. Бир жиҳатдан молиявий аҳвол яхшиланса, иккинчидан фуқаролар йиғинида иш ўринлари яратилади. Навбатдаги таклифим — профилактика инспектори ҳар доим ўз ҳудудида ишлашига шариоит яратиш шарт. Унга қўшимча иш юкламаслик керак. Бирор ҳуқуқбузарлик содир этилса, то инспектор келгунича вақт ўтиб кетади.

Элдор РАҲИМОВ,
Сирдарё туманидаги
«Баҳмал» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Алиментни давлат тўлаб берадимизми?

Хусниддин ХАЙДАРОВ,
Чўст туманидаги «Шоён» маҳалласи раиси:

— Оилавий низола, ажрашишлар ортидан келиб чиқадиган муаммолар ичида энг кўп учрайдигани алимент ундириш билан боғлиқ мурожаат ҳисобланади. Айрим оталар ишсизлиги сабабли, баъзилар эса, қасддан алимент тўлашни хоҳлашмайди. Бундай ҳолда суд орқали муаммо ҳал этилади. Аммо алимент ундиришининг молиявий манбаси бўлмагани учун тўлов кечикиб кетади. Шундай вазиятда алимент суммасини давлат ҳисобидан тўлаб бериш имкони бор экан. Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» НТТ ҳуқуқшуноси:

— Ҳукуматнинг «Алимент тўловлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра, «Алимент тўловлари жамғармаси тўғрисида»ги низом тасдиқланган. Алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан ундирилган маблағлар, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳисобидан олинган даромадлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ҳайриялари, халқоролар институтлар ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа жамғарма маблағларини шакллантириш ман-

балари этиб белгиланган.

Низомга кўра, Жамғарма маблағлари вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун қарздор жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, алимент тўловларидан юзага келган қарздорликни (ушбу жиноят натижасида етказилган зарарни) қоплаб бериш(бирйўла ундирувчига тўлаб бериш)га йўналтирилади.

Алимент тўловларини қоплаб бериш учун мажбурий ижро ҳаракатини амалга оширган давлат ижрочисининг алимент тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги қарори асос ҳисобланади. Тўловлар қарор олингандан бошлаб, 2 иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади.



Лекин бу билан қарздор алимент тўлаш мажбуриятдан озод бўлмайди. Яъни, қарздорнинг мол-мулки ундирувга қаратилади. Ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки ёки даромадлари бўлмаса ва унинг мол-мулки ёки даромадларини қидириш юзасидан давлат ижрочиси кўрган барча чоралар натижасиз бўлса, ижро ҳужжати ва ижро иши юритишда тарафни алмаштириш тўғрисидаги қарори «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасида белгиланган тартибда давлат ижрочисининг қарорига асосан Жамғармага қайтарилади.

ОҒРИҚ

Раис қадр-қимматини ерга урманг, сўров қилманг!...



Маҳалла раисларининг орасида 10, 15, 20 йилдан буён лавозимда ишлаб келаётган, ҳаётий тажрибага эга, фидойилар кўп. Туман (шаҳар) ташкилотларининг мансабдор мулозимлари баъзи маҳалла раисларининг ўғли тенги. Аммо, бошқармага келиб тушаётган мурожаатларга кўра, айрим мансабдорлар маҳалла раисларини ваколатидан ташқари ишларга жалб этиб, шаъни ва қадр-қимматини ерга ураётгани каби ҳолатлар учрамоқда.

Биргина мисол, жорий йил 16 ноябрь куни вилоят ҳокимлигида ўтказилиши режалаштирилган видеоселектор йиғилишида бошқа туман(шаҳар) маҳалла раислари жалб этилмаган бўлса-да, Пастдарғом туманининг 107 та маҳалла раиси соат 7.00да туман ҳокимлигига чақиртирилган. Икки соат ўтач, соат

9:00 ларда селектор йиғилишида қатнашишга мажбурланган. Видеоселектор йиғилишидан сўнг, туман ҳокими, прокурори ва ИИБ бошлиғи раҳбарлигида солиқ қарздорлиги бўйича йиғилиш ўтказилган. Йиғилишда бирор маҳалла раисининг фикри, изоҳи тингланмаган. Улар гарданига аҳолининг ва нотурар

жойлардаги ер, мулк солиғи, ичимлик сувидан қарздорликларни ҳал этиш юкланган. Бу ҳолат бошқа туманларда ҳам авж олмоқда. Умуман олганда, маҳаллий ҳокимликлар маҳалла раисларини текин хизматкор ўрнида кўришмоқда.

Ачинарлиси, йиғилишларда маҳалла раиси қаторида коммунал соҳа инспекторлари, солиқ ходимлари иштирок этса-да, мансабдорлар маҳалла раисини сўров қилмоқда. Уларга «хайфсан» интизомий жазо чорасини қўлламоқда, 30 фоизгача ойлик маошидан ушлаб қолинмоқда. Сўнг аризасини ёзишга мажбурланмоқда.

Маҳалла ўзини ўзи бошқарув органи, деймиз. Аммо, уни ҳокимиятга боғлаб қўйганмиз. Ахир маҳалла миллий кадриятларга асосланган бошқарув тизими ҳисобланади-ку?! Қачон фаолиятини ваколати доирасида ташкил этишига имконият яратамиз?

Юсуф САЛИМОВ,
Самарқанд вилояти
камбағалликни қисқартириш
ва бандлик бош бошқармаси
маҳалла институтини
ривожлантириш ва
жамоатчилик назоратини
ташкил этиш бўлими бошлиғи.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Улуғбек Жўраев,
Оқолтин туманидаги
«Мустақиллик»
маҳалласи раиси:

– Биламизки, пластик картадаги маблағни нақдлаштиришда маълум миқдорда хизмат ҳаққи ушлаб қолинади. Маълумотга кўра, пенсия олувчи фуқароларга нафақаси пластик картада тўланганда қўшимча тўлов жорий қилинган. Шу ҳақда тўлиқ маълумот олсак бўладими? Айнан кимларга қўшимча тўлов тўланади?

Пенсия пластик картадан тўланса, қўшимча пул олинадими?



Баҳриддин ЗИЁДОВ,
Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Мамлакатимизда пенсия, нафақа, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш ва етказиб беришда фуқароларга қулай шарт-шароит яратиш, тўлов тизимининг замонавий усулларини кенг жорий этиш ҳамда мазкур соҳада илғор ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги «Давлат пенсиялари, нафақалар, компенсациялар ва бошқа ижтимоий тўловларни тўлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2022 йил 1 майдан бошлаб, «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилган фуқароларга ва оилаларга тегишли жамғармалар маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, меҳнат органлари томонидан тўланадиган ишсизлик нафақаси ва стипендиялар ҳамда жазони ўтаб озодликка чиққан фуқароларга тўланадиган моддий ёрдам пуллари ҳар ойнинг 5-санасига қадар молиялаштирилади ҳамда пенсия ва нафақалар билан бир вақтда «Халқ банки»нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади.

«Халқ банки»нинг сайёр кассалари томонидан пенсия ва нафақалар ҳамда моддий ёрдам пуллари фуқароларга нақд пулда етказиб бериш хизматлари учун 1 фоиз миқдорда банкка хизмат ҳақи тўлаб берилди. Бунда «Халқ банки» зиммасига сайёр кассалар орқали маҳалла фуқаролар йиғинларига борган ҳолда пенсия ва нафақа олувчиларнинг карталаридаги маблағларини уларнинг хоҳишига кўра нақд пулга алмаштириб бериш вазифаси юклатилган.

Барча турдаги давлат пенсияларини, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан тўланадиган нафақалар, компенсациялар ва бошқа тўловларни ҳамда кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам пулини (кейинги ўринларда – пенсия ва нафақалар) банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдоридида қўшимча тўлов жорий қилинган.



ТАКЛИФ

«Маҳалла бюджети» маблағини раислар тақсимлаши керак»

Маҳалла ҳудудидаги муаммолар деярли 30 йилдан бери ечимини кутиб ётарди. Ниҳоят, 2022 йилда «Обод қишлоқ» давлат дастурига киритилди. Шу асосда инфратузилма тубдан янгиланиб, аҳолининг турмуши фаровонлашди.

Ҳудудда электр таъминотини яхшилаш, истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб бериш мақсадида Ёшлик кўчасида 250 кВт. ли янги трансформатор ўрнатилди. Аввал 150 дан зиёд хонадонга 160 кВт.ли трансформатор орқали электр токи етказиб берилар эди. Қўшимчасига дастур асосида эски трансформатор таъмирланди, 62 та темир-бетон таянч ўрнатилди. Натижада, қарийб 450 та хонадонда электр таъминоти яхшиланди. Сартуз қишлоғида мавжуд 250 кВа ли трансформаторнинг «юк»ини енгиллатиш мақсадида 160 кВа ли янги трансформатор ва 71 дона таянч ўрнатилди. Умумий ҳисобда, 2,7 км. узунликда янги тармоқ тортилиб, 50 та кўча чироқлари қўйилди.

Бундан ташқари, Бўстон кўчасида 600 метр, Сойбўйи кўчасида 1 км, Фаровон кўчасида 400 метр масофада бетон қопламали ички хўжалик йўллари қурилди. Навоий кўчасида 400 метрлик йўлга асфальт ётқизилди. Яна 3 км. узунликдаги ички йўللари асфальтланди.

Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш учун 13,8 км. узунликда тармоқ тортилиб, 2 та сув иншооти



қурилди. 2 та мавжуд иншоот таъмирланди. Натижада 1013 та хонадонга обихаёт кириб борди.

Ҳудудда жойлашган 34-сонли мактабгача таълим ташкилоти таъмирдан чиқарилиб, замонавий қиёфага келтирилди. Бунинг учун давлат бюджетидан 341 миллион сўм маблағ сарфланди. Янги ошхона биноси қурилиб, эскирган эшик ва ромлар янгисига алмаштирилди, чегара деворлари тўлиқ таъмирланиб, хоналарнинг пол қисми янгиланди. Янгича кўриниш олган мактабгача таълим ташкилотида 4 та гуруҳ шакллантирилиб, 120 нафар бола қамраб олинди. 21-умумтаълим мактаби ҳам 540 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланди.

Ҳа, қилинган ишлар кўнглимизни тоғдек юксалтирди. Аммо яна навбатини кутиб турган кўчаларимизга эътибор зарур. Масалан, ички кўчалар

узунлиги 28 км. ни ташкил этса, дастурга кўра, 8 км. асфальтланди. Дастурга кирмаган кўчаларда умуман иш қилинмаган. Бу йил 2 та кўчани асфальтлашга доир таклифни «Ташаббусли бюджет»га киритдик. Ҳар иккиси ҳам 2 мингдан ортиқ овоз олди. Агар 2 мингдан ортиқ овоз олган таклифларга маблағ ажратилса, Ғолиблар сафидан ўрин оламиз.

Яна бир таклифим – худудга хос муаммоларни маҳалла ходимларидан яхши биладиган мутахассис йўқ. Шундай экан, янги ташкил этилаётган «Маҳалла бюджети» маблағлари тақсироти фуқаролар йиғини ходимларига бериш лозим. Бу маҳалланинг молиявий мустақиллигини таъминлайди.

Маъмуржон МИРЗАЕВ,
Бағдод туманидаги «Дашт»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Маҳалла раиси қандай ҳуқуқларга эга?

Фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳуқуқ ва ваколатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун, соҳага оид қатор фармон ва қарорлар билан тартибга солинади. Маҳалла раиси — ҳудудга раҳбарлик қилади, унинг ваколати доирасида қабул қилган қарорлари фуқаролар йиғини ҳудудда бажарилиши мажбурий саналади. Ҳўш, раислар яна қандай ваколатларга эга?



1. «МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ»НИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ. Президент ташаббуси билан «маҳалла бешлиги» солиқ ва ижтимоий ходим қўшилиб, «еттилик»ка айлантирилди. Уларнинг ишини биргаликда ташкил қилишда маҳалла раисларининг ваколатлари кенгайтирилди. Жумладан, эндиликда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий ходимнинг **ойлик иш ҳақи** маҳалла раиси томонидан тасдиқланади. Шунингдек, маҳалла раиси «еттилик»ни **рағбатлантириш ёки интизомий жазо** чораларини тайинлаш бўйича уларнинг юқори идорасига тақдимнома киритиш ваколатига эга.

2. РАИС КИРИТГАН МАСАЛА КЕНГАШДА КЎРИЛИШИ ШАРТ. Маҳалла раиси халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига фуқаролар йиғини фаолиятига доир масалалар юзасидан **кўрилиши мажбурий бўлган** масалаларни киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишларини ташкил этади, етим, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади. Фуқарони муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки руҳий ҳолати бузилгани (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериши мумкин.

3. МАҲАЛЛА РАИСИ ҲУҚУҚИЙ ВА МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИ ТУЗАДИ. Йиғин раиси давлат органларида, шу жумладан, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқаролар йиғинининг манфаатларини ифодалайди, маҳалла номидан шартномалар, шу жумладан, меҳнат шартномалари тузади. Хусусан, раис маҳаллалар ҳудудда яшайдиган ишсиз шахсларни **жамоат ишларига жалб қилиш учун** улар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларнинг меҳнатига Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади. Бунда ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва унинг икки бараваридан кўп бўлиши мумкин эмас.

4. ЎЛИМНИ ҚАЙД ЭТАДИ, ИШОНЧНОМА ТАСДИҚЛАЙДИ. Фуқаролар йиғини раиси **ўлимни қайд этиши**, хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва пенсияларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан маблағларни олишга **ишончномаларни тасдиқлаши** мумкин.

Юқорида маҳалла раисларига қонунчилик асосида берилган ваколатларнинг айримларига тўхталиб ўтдик. Мақсад — уларга берилган имкониятлардан самарали фойдаланиши, муаммо ва масалалар ечимида ўз нуқтаи назарини баён қилишига замин яратишдан иборат. Зеро, маҳалла раиси ҳудуд раҳбари сифатида барча жараёнларнинг ўртасида бўлишга ҳақли.

5. КОМИССИЯ ВА ГУРУҲЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ. Маҳалла раиси фуқаролар йиғинининг **Оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш комиссияси**, «Кексалар маслаҳат гуруҳи» ҳамда **Маҳалла назорати гуруҳига** раҳбарлик қилади. Комиссия ва «Кексалар маслаҳат гуруҳи» 8-12 нафар аъзодан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланса, Маҳалла назорати гуруҳи аъзоларининг сони чекланмаган. Йиғин раиси давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллага бириктирилган ходимлари ишини таҳлил қилади, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда иштирок этади, натижалари бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритади.

6. МАҲАЛЛА РАИСИ СЎРОВИНИ ЮБОРАДИ. Фуқаролар йиғини раиси тегишли ҳудудда жойлашган давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қарадиган масалалар юзасидан **асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш** талаби билан сўров юборишга ҳақли. Сўров фуқаролар йиғини фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидангина юборилиши лозим. Маҳалла раиси сўрови қисқа, лўнда ва тушунарли тарзда йиғиннинг расмий бланкасида расмийлаштирилади ва маҳалла раиси томонидан имзоланади. Мансабдор шахслар ўн беш кундан кечиктирмай, сўралган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролар йиғини раисига жўбориши шарт.

7. РАИСНИНГ ИШ КУНИ СОАТ 7-00 ДАН 22-00 ГАЧА ТАҚСИМЛАНАДИ. Фуқаролар йиғини раисининг иш тартиби қирқ соатлик ва олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда, Фуқаролар йиғини кенгаши тасдиқлайдиган ички тартиб қоидаларида белгиланади. Бунда йиғин фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилади ва иш куни соат **7-00 дан 22-00 гача** тақсимланади. Маҳалла раисига ҳар йили 24 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.


8. «ОБОД МАҲАЛЛА» ВА «ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРЛАРИ ЛОЙИҲАСИНИ ФАҚАТ МАҲАЛЛА РАИСИ КИРИТАДИ. Эндиликда дастурларга киритилдиган маҳаллалар жамоатчилик фикри асосида, овоз бериш йўли билан аниқланади. Бунда ҳудудда амалга ошириладиган ишлар бўйича лойиҳа тўпламини киритиш ҳуқуқига **фақат маҳалла раиси эга** бўлади ва бир йилда фақат бир маротаба битта лойиҳа тўпламини порталга киритади. Бунда бошқа фуқароларнинг лойиҳалар тўпламини шакллантиришига йўл қўйилмайди. Дастурлар доирасида ҳар бир маҳалла раиси номига порталда электрон рақамли имзо орқали рўйхатдан ўтувчи логин ва пароллар расмийлаштирилади. Маҳалла раиси ўзгарган тақдирда, янги раис номига бошқа фойдаланувчи akkaунти очилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Раҳат АЛЛАМУРАТОВ,
Нукус шаҳридаги
«Ата макон» маҳалласи раиси:

— Турли вазиятларда, хусусан, кредит олиш, субсидияга ариза топшириш, шахсга доир маълумотларни янгилаш жараёнида давлат хизматларидан фойдаланиш зарурати туғилади. Бундай ҳолатда тегишли орган ёки давлат хизматлари марказига мурожаат қилишга тўғри келяпти. Айтингчи, маълумотномаларни онлайн олиш имконияти борми?

Исталган маълумотномани онлайн тарзда олиш мумкин



Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Ҳукуматнинг 2023 йил 20 ноябрдаги тегишли қарори билан «Жисмоний ва юридик шахсларга маълумотномалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона маъмурий регламенти» қабул қилинди. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказига шахсан келиши ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП — my.gov.uz) рўйхатдан ўтиши керак.

Аризалар ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида юборилиши мумкин. Аризани кўриб чиқиш учун белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган йиғимнинг 50 фоизи миқдоридан чегирма қўлланилади.

Мисол учун, ота-она энди дунёга келган гўдаклар учун биринчи марта туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани уйдан чикмаган ҳолда «my.gov.uz»дан фойдаланиб олиши мумкин. Буни учун ҳеч қандай ҳужжат талаб этилмайди. Бир иш кунини тақдим этиладиган гувоҳнома фуқароларга ўзларига қулай вақтда почта орқали етказиб берилади. Хизматдан «my.gov.uz» орқали фойдаланилганда, 10 фоиз чегирма қўлланилади: 44 550 сўм (0,135 БҲМ), почта тўлови — 25 000 сўм.

Худди шундай, Ҳукуматнинг тегишли қарори билан тасдиқланган «Автомобил транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномани электрон шаклда расмийлаштириш бўйича давлат хизмати-ни кўрсатишнинг маъмурий регламенти»га кўра, ишончнома ариза берувчи томонидан ЯИДХПдан фойдаланган ҳолда, ўзининг ва ишончнома бериладиган шахснинг биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси ҳамда жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами маълумотларини киритиш орқали мустақил равишда расмийлаштирилиши мумкин.

Ишончнома 1 ой, 6 ой ва 3 йил муддатга берилади. Ҳужжатга киритилдиган шахслар сонига чеклов ўрнатилмайди. Электрон QR-кодли ишончнома нотариал тасдиқланган ишончнома билан бир хил юридик кучга эгадир.

МУРОЖААТ

«Идоранинг жойини ижарага беришган...»

Мирзо Улуғбек туманида 70 та маҳалла бор. Уларнинг кўпчилигида зарур қулайликлар яратилган, ўз биноларига – уйига, бошпанасига эга. «Лашкарбеги» эса...

Бир неча йил аввал биз яшаётган Қори Ниёзий кўчанинг бир томонидан аҳоли яшайдиган ҳовлилар мавжуд эди. Бир куни маҳалла раиси Ёқуб ака Мўминов (мархум) фаолларга шаҳар ҳокимлиги қарори билан уйлар бузилиб, ўрнига кўп қаватли бино қурилишини айтдилар. Кўйилган шартга кўра, бинонинг биринчи қавати маҳалла идорасига ажратилишини тушунтирдилар. Бу ҳақда шартномада аниқ ёзилганини кўпчилик ўқиди.

Уйлар бузилди. Беш қаватли бино қад ростлади. Қурилиш жараёнида бино бир эмас, уч кишига қўлдан-қўлга ўтди. Биз фаоллар бино битган сайин, маҳалла бошпанали бўлади, деб суюндик. Бино битди, эгаси унинг биринчи қаватидан бошлаб ижарага бера бошлади...

Бу орада Ёқуб ака кўрсатган шартнома топилмай қолди. Шу

пайтда маҳалла ходимлари девори тўкилиб, томларидан сув оққан, яшаш учун хавfli бинода фаолият юритарди. Шартнома топилмасда ҳокимлик ва кадастрда бу ҳақда ёзилгани маълум бўлди. Лекин ҳокимлик вакиллари «Лашкарбеги» маҳалласи учун жон куйдирмади.

Бу ерда яшаётганимизга 40 йил бўляпти. Лекин маҳалланинг жойга ёлчиганини кўрмадик. «Нуроний» тарғибот гуруҳида Олмалиқ, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ каби туман маҳаллаларида кўплаб тадбирларда қатнашганман. Уша чекка ҳудудлардаги маҳалла идораларини кўриб ҳавасим келади, бизнинг маҳалла қачон шундай шароитларга эга бўларкин, деб орзу қиламан.

Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатга мувофиқ, кейинги йилларда одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларга эътибор биринчи ўринга чиқ-



ди. Уларнинг муурожаатларига вақтида жавоб бериш, муаммоларини ҳал қилиш учун Халқ қабулхоналари ташкил этилди. 2022 йил 15 апрелда Мирзо Улуғбек туман ҳокимига ёзилган хат рўйхатдан ўтказилиб, қабул

қилинди. Лекин маҳалламизнинг 35 нафар фаоллари (аксарияти нуронийлар) ёзган муурожаатномага ҳали-ҳануз жавоб олмадик.

Хуллас, маҳалла идораси – бино қулаб тушишига бир баҳя қолганда ўша юқорида таъкид-

ланган жойдаги бинодан урта кичкина хона берилди. Бироқ бу ерда маданий-маърифий тадбирларни ўтказиб бўлмайди. Бу борада йигирма қаватли бинонинг биринчи қаватидаги хона жуда қўл келарди. Афсуски, уни ижарага бериб юборишган.

Хуллас, маҳалламизда дийдорлашиш, маслаҳатлашиш, қилинаётган ишлар ҳисоботи, оқила аёллар ҳаракати, кенгаш-комиссия деган нарсалар бегона. Бу борада «Нуроний»лар кенгаши раиси З.Расулий куйиниб юрибди, бироқ...

Биз нуронийлар туман ҳокимидан «Лашкарбеги» маҳалласини «ўғай» билмасдан, идора биносини қуриб ёки топиб беришни чин дилдан кутяпмиз. Ахир Президентимиз томонидан маҳаллаларга қўйилаётган талабларни бажариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Муқаддас АБДУСАМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
1-даражали меҳнат фаҳрийси.

ЯНГИЛИК

«Тадбиркорлик учун кредит ҳам, таълим ҳам берилляпти»



Жорий йил «маҳалла бешлиги» учун замонавий маҳалла идораси қурилди. Унда барча зарур шароитлар мавжуд. Профилактика инспекторининг хизмат уйи билан идора ёнма-ён жойлашгани учун ҳудудда ҳуқуқбузарликлар йўқ.

Ҳудудда «Шовот» деҳқон бозори бўлиб, аҳолининг 30 фоизи шу ерда меҳнат қилади. Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида бозор ҳудудидан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида жорий йил 61 та лойиҳадан 26 тасига 649,9 миллион сўм маблағ ажратилди. Масалан, Сарвиноз Озодова тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун 30 миллион сўм кредит олиб, 2 та иш ўрни яратди. «Аёллар дафтари»га кирган 12 нафар хотин-қизга 115 миллион сўм имтиёзли кредит берилиб, бандлиги таъминланди.

Ҳоким ёрдамчиси кўмагида «Аёллар дафтари»га кирган 8 нафар аёлга 80,6 миллион сўм субсидия ажратиш режалаштирилган. Ҳозирга қадар Райҳон Омоновага хунармандчиликни ривожлантириш учун маблағ ажратилган бўлса, Дилфуза Қуронбоева ва Мардона Қўчқоровага тикув машинаси олиб берилди. Яна 6 нафарига ноябрь охиригача кўмак кўрсатилади.

Касб-хунар ва тадбиркорлик фаолиятига ўқитиш учун ташкил этилган

«Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби Хоразм вилояти ҳудудий филиали» ўқув марказида 24 нафар фуқаро ўқитилиб, 20 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шу йил давомида 23 нафар ёрдамга муҳтож фуқарога бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиб, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор шахсларга ҳомийлар кўмагида 5 миллион 500 минг сўмдан 10 миллион сўмгача ёрдам пуллари берилди. Хунарманд кўчасида истиқомат қилувчи Ўрозбой ота Вафоевнинг эски хонодонни бузилиб, ўрнида янги уй қурилди. Кам таъминланган Олим Раҳимов ва Умрбек Мадраҳимовнинг яшаш уйининг том қисми шиферланди.

Аёллар ва ёшлар бандлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, икки нафар аёл «UZTEX GROUP» фабрикасига, 9 нафари фермер хўжалигига, 12 нафари кичик корхоналарга ишга жойлаштирилди. 15 нафари ўзини ўзи банд қилди. Икки нафар аёлга субсидия асосида тикув машинаси олиб берилиб, ишли қилинди.

Келгусида аҳоли орасида ишсизликни камайтириб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсад қилинган. Шунингдек, аҳоли даромадини ошириб, фаровонлигини таъминлаш белгиланган.

Бахтиёр АВЕЗОВ,
Шовот туманидаги
«Шовот» маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Маҳсулотни қайта ишлаб, қадоқласак, даромад кўпаярди»

Туман марказидан 6,5 километр олисда жойлашган маҳалла «драйвери» – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари. Асосан, буғдой, шоли, помидор, картошка, сабзи, қарам экилади. Бу борада маҳалла аҳолиси катта тажрибага эга.

Ҳудудда 15 гектарга яқин боғзордан ташқари, барча хонадонда турли мевали дарахтлар бор. Бир-биридан ширин мевалар маҳаллий бозорларга чиқарилмоқда. Келгусида маҳалла ҳудудидан махсус совуқчи ва мини қадоқлаш корхонаси қуриш режаси бор. Чунки етиштирилаётган мевалар қайта ишланиб қадоқланса, аҳоли даромади ошиб, янги иш ўринлари яратилади.

Қолаверса, ҳар бир хонадон эгалари томорқасига помидор, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида гектарлаб сабзи экишади. Деҳқонлар бир йилда 1000 тоннагача сабзи ҳосилини йиғиб олади. Шу боис мевалар билан бирга, помидордан томат, сабздан мураббо ва шарбат тайёрлаш мумкин. Бу, ўз навбатида, маҳсулот таннархини арзонлаштиради. Энг муҳими, маҳаллада катта бозор яратилади.

Бундан ташқари, балиқчиликда ўзига хос тажриба тўпланган. 21 гектар майдонда 3 та балиқчиликка ихтисослашган қўл ташкил этилган бўлиб, ҳар

бир гектарда 80 тонна балиқ боқилмоқда. Натижада йигирмадан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Келгусида балиқчилик тармоғи маҳалла «драйвери»дан бирига айланади.


Маҳалла ёшларининг спортга қизиқиши катта. «Беш ташаббус олимпиадаси» мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Уларга зарур шароитлар яратиш учун спорт комплекси қуриш режалаштириляпти. Ҳозир турник ва бюрс жиҳозлари бор, холос.

Янгилик, 2022 йил маҳаллада 50 йилда қилинмаган ишлар амалга оширилди. Жумладан, 7,5 километр ички кўчаларга шебен ётқизиляпти, 1,5 километри асфальтланди. Аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди.

Яна бир қувонарли ҳолат шундаки, маҳаллада яшовчи Қурбоной ҳожи она ўз маблағи эвазига йиғиндаги Шайх Мухтор Вали зиёратгоҳининг бир қисмини гулзорга айлантирмоқда. Шу онахондан руҳланиб, кўчаларни гулзорга бурқаб, маҳаллани шаҳар қиёфасига яқинлаштирмоқчимиз. Шунингдек, чойхона қуриб, этиқдўз каби маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш режаси бор.

Гулнора БЕКЖОНОВА,
Янгиариқ туманидаги
«Қўшлоқ» маҳалласи раиси.





Шухратжон
НУРМАТОВ,
Наманган
туманидаги
«Кўмкўрғон»
маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» – ўзимга ва маҳалламга керак»

– Маҳалламизда 7044 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг мурожаатларига ижобий ечим топшида кўчабошилари ва «маҳалла бешлиги» билан узвий ҳамкорлик ўрнатганмиз. Шунинг учун ҳудудда ҳал этилиши керак бўлган жиддий муаммолар йўқ.

Фуқаролар билан ишлашда билим ва тажриба муҳим аҳамият касб этади. Бунда бизга «Mahalla» газетаси жуда асқатмоқда. Айниқса, ҳуқуқий савол-жавоблардан жуда кўп фойдаланамиз. Ўзимга ва маҳалламга керак бўлгани учун нашрга 2024 йил учун биринчилардан бўлиб обуна бўлдим.

МАЪНАВИЯТ

Грант маблағига китоб харид қилинди

Хатирчи туманидаги «Кўксарой» маҳалласида 593 та хонадонда 3 104 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда учта мактаб бор. Жорий йилнинг май ойида маҳалла ўзининг янги биносига эга бўлганди. Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ташаббуси билан йиғин биносига кутубхона ташкил қилинди.



Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида «Кўксарой» маҳалласи «Китобни севиш – ўзликни севиш» номли лойиҳаси билан иштирок этиб, 32 миллион 575 минг сўм грант маблағини ютиб олганди. Ушбу маблағ ҳисобидан мебель жиҳозлари ва 430 дона ҳар хил турдаги китоб харид қилинди.

Кутубхонанинг очилиш маросимида жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

– Бугунги кунда юртимизда аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобга қизиқиш, мутолаа маданиятини юксалтириш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди маҳалла раиси **И.Мирзаев**. – Ушбу кутубхона маҳалла аҳли учун бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ёшлар ўз билимини ошириши, маҳаллада эса китобхонликни ривожлантиришга ҳисса қўшади.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими ва туман бўлинмалари фуқаролар йиғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни компьютер техникаси ва мебель жиҳозлари билан таъминлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Биргина жорий йилнинг шу даврига қадар 10 минг донага яқин турли мавзулардаги китоб вилоятдаги 232 та маҳалла фуқаролар йиғинига тарқатилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Навоий вилоят бўлими Ахборот хизмати.

ЕНГИЛЛИК

«Маҳалла кўмак берса, солиқ ҳисобланадими?»

Ҳусниддин БОЗОРОВ,
Деҳқонобод туманидаги «Оқиртма» маҳалласи раиси:

– Маҳалламизда эҳтиёжманд оилаларга ҳомийлик қилувчи саховатпешалар кўп. Уларнинг аксарияти ёрдамни ўз қўли билан эмас, пинҳона, маҳалла номидан амалга оширишни исташади. Бундай вазиятда айрим ҳолларда битта оиллага 5-10 миллион сўмгача берамиз. Айтингчи, қонун бўйича маҳалла номидан берилган бу суммага солиқ ҳисобланадими? Умуман, даромад солиғи бўйича имтиёз борми?



Даврон ҲОШИМОВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Солиқ кўмитаси масъул ходими:

– Ўзбекистонда даромад солиғи ставкаси 12 фоизни ташкил этади. Солиқ кодексида фуқароларга даромад солиғи бўйича 22 та бандда имтиёз берилган. Хусусан, маҳалла, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан фуқароларга бериладиган бир йилда 15 миллион сўмдан ошмаган нафақалар, пахта йиғим-терими, талабаларга ижарага берилган уй-жойдан олинган даромадлар солиққа

тортилмайди.

Қатор моддий ёрдам турлари – вафот этган ходимнинг оила аъзоларига ёки оила аъзоси вафот этгани муносабати билан ходимга бериладиган, ходимга меҳнатда майиб бўлгани, касб касаллиги ёхуд соғлиғига бошқача тарзда шикаст етгани билан боғлиқ бериладиган, бола туғилиши, ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан бериладиган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун маблағлар тарзида кўрсатиладиган («картошка пули» – имтиёз моддий ёрдамнинг меҳнатга ҳақ тўлашнинг

энг кам миқдорининг 4,22 бараварига бўлган қисмига қўлланилади) моддий ёрдамга даромад солиғи ҳисобланмайди.

Иш берувчининг ўз ходимлари ҳамда уларнинг болаларига тиббий хизмат кўрсатилгани учун берган пуллари, даволаш ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш, ногиронлик профилактикаси ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг саломатлигини тиклашга доир техник воситаларни олишга оид харажатлари солиқдан озод этилади. Қолаверса, вақтинчалик бир марталик ишларни бажаришдан олинган даромадлар, халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллагани учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофоти, хусусий мулк бўлган мол-мулкни сотишдан олинган (масалан, уй олиб, уни 3 йил ичида сотса, даромад солиғи олинади, 3 йилдан кейин сотса, солиқ олинмайди), уйда етиштирилган ҳайвонларни сотишдан олинган даромадлар солиққа тортилмайди.

Худди шундай, коллеж, техникум ва ОТМ контракти учун тўланган пуллари (фуқаро ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки турмуш ўртоғининг таълим олиши учун қилган тўловлари), хусусий мактаб ва боғчаларга ҳар бир бола учун тўланадиган ойига 3 миллион сўмгача бўлган тўловлар (масалан, 2 та бола бўлса, 6 миллион сўм тўланса, 6 миллион сўмдан даромад солиғи олинмайди), субсидия асосида олинган ипотека кредитлари ва унинг фоизларини тўлаш учун 1 йилда йўналтирилган МҲТЭКМнинг 80 бараварига қадар даромадлар, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари солиқдан озод этилган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ойлик ошди, стипендия ва жарималар-чи?

Ақбар ХИДИРОВ,
Қарши туманидаги «Янги Батож» маҳалласи раиси:

– Президентнинг 2023 йил 17 ноябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги фармонида асосан, 1 декабрдан иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоизга, базавий ҳисоблаш миқдори 3 фоизга оширилди. Айтингчи, бу вазиятда турли жарималар, тўлов-контракт шартномалари, стипендиялар миқдори қутариладими?



Шохрух ЭШОНҚУЛОВ,
Иқтисодий ва молия вазирлиги
департамент директори
ўринбосари:

– Дарҳақиқат, Президент фармони билан 1 декабрдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига 1 050 000 сўм (аввал 980 000 сўм),

базавий ҳисоблаш миқдори – 340 000 сўм (аввал 330 000 сўм), пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 372 минг сўм (аввал 347 000 сўм), ёшга доир энг кам пенсия миқдори – 725 минг сўмни (аввал 677 000 сўм) ташкил этади. Шунингдек, турли нафақалар, пенсиялар миқдори ҳам ошади.

Жарималар ошадими? 1 декабрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорига боғланган тўловлар ошади. Масалан, маъмурий жарималар, солиқлар, давлат божлари ва шу каби бошқа тўловлар. Масалан, илгари 1 «минималка» жарима 330 минг сўм бўлган бўлса, 1 декабрдан 340 минг сўмни ташкил этади: ҳужжатсиз юриш – 340 минг сўм, «қизил»да ўтиш – 680 минг сўм, телефонда гаплашиш – 1 миллион 20 минг сўм.

Стипендияга таъсири борми? 1 декабрдан фақат бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари 7 фоизга ошяпти. Талабаларнинг стипендиялари ошгани йўқ, бу ҳақда фармонда ҳеч нарса дейилмаган.

Контракт кўтариладими? Қоидага кўра, талабаларнинг тўлов-контрактлари ошиши мумкин, сабаби базавий контракт миқдорлари меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига боғлаб қўйилган. Бироқ Ўзбекистондаги давлат ОТМларида 2023/2024 ўқув йили учун барча босқичдаги тўлов-контракт миқдорлари оширилмади. Табақалаштирилган контракт миқдори ҳам ўтган йил учун белгиланган миқдорда ўзгаришсиз қолди.

ТАЖРИБА

«Боғча ва мажмуага эҳтиёж катта»

Маҳаллада 1810 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — деҳқончилик. Йил бошида 80 нафарга яқин ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозирда 35 нафари қолди. Худуд инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар тўлиқ ҳал қилинган. 2021 йил «Обод қишлоқ» дастурига кўра, 155 хонадоннинг ташқи фасади жорий таъмирланган. Кўчалар ободонлаштирилиб, 10,1 км. ариқ ва зовурлар тозаланди.

Янгиҳаёт, Қўшчинон, Х.Эшонов кўчасига жами 87 дона бетон таянч устунлари ҳамда Х.Эшонов кўчасига 1 та трансформатор ўрнатилди. Бўстон кўчаси хонадонларига тоза ичимлик сув етказиб бериш учун 700 метр масофага қувур ётқизилди. 25 та хонадон ҳомийлар кўмагида таъмирланиб, деворлари янгиланди. Худудга 1890 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ҳамда 3 минг 580 тупдан ортиқ турфа хилдаги гул кўчатлари экилди. «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. «Ёшлар дафтари»даги 40 нафар ёшга 20 сотихдан ер ажратилиб, деҳқончиликни бошлаб олишларида кўмаклашилди. Жами 20 та иссиқхона мавжуд бўлиб, 6 таси жорий йилда ташкил этилди. 8 нафар фуқарога имтиёзли кредит асосида қорамол



олиб берилди.

Маҳалла бинноси фойдаланишга топширилгани 2022 йилдаги энг қувончли воқеага айланди. Наврўз байрами арафасида аҳолимиз учун бу ажойиб совға бўлди. Маҳалла идорасида барча шароит яратилган. Раис, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси учун алоҳида хона ажратилган.

Ўз навбатида маҳаллада қилинадиган ишлар йўқ эмас. Жумладан, худудда давлат мактабгача таълим

ташкilotига эҳтиёж бор. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, спорт билан шуғулланишлари учун ёпиқ спорт мажмуаси куриш таклифини берганмиз. Қолаверса, 2024 йилда Тошпўра ва Сарбон кўчасини 5,5 км. қисмини асфальтлаш режамизда бор. Бу ишни «Ташаббусли бюджет» орқали бажаришни ният қилаямиз.

Аҳмаджон НЕЪМАТИЛЛАЕВ,
Учқўрғон туманидаги «Бўстон» маҳалласи раиси.



Йўлдошбой ҚАЛАНДАРОВ,
Янгиариқ туманидаги «Севган» маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» катта тажриба майдони

— Маҳалла тизимида ишлаётганимга бир йилдан ошди. Шу қисқа фурсат ичида инсонларнинг хоҳиш-истаклари ва дардини ҳис қилишни ўргандим. Ҳар бир ижобий ечим топган мурожаатдан кўнглим хотиржам тортади.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек хайрли ишларимизда нурунийлар ва «Mahalla»нинг хизмати катта. Отаxonу онаxonларимиз ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб йўл-йўриқ кўрсатишса, газетадан бошқа раисларнинг тажрибаларини ўрганаямиз. Нашр биз учун доим керакли ва фойдали бўлиб қолаверади. Шунинг учун обунани биринчилардан бўлиб амалга оширдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...



Саноат САЪДИЕВА,
Сирдарё туманидаги «Тинчлик» маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги пенсия ёшига етган айрим фуқаролар иш стажини ҳисоблашда муаммога дуч келади. Яъни, иш стажини меҳнат дафтарида кўрсатилган бўлса-да, архив маълумотлари орасидан чиқмайди. Шундай вазиятда нима қилиш керак?

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

«Ногирон ёшларнинг репетитор харажати қоплаб бериладими?»



Амрилло АБДУЛЛАЕВ,
Фориш туманидаги «Илонли» маҳалласи раиси:

— Маҳалла худудидо олий таълимда ўқиш истагида бўлган, аммо кириш имтиҳонига тайёрланиш учун моддий имконияти йўқ ногиронлиги бўлган ёшлар бор. Уларнинг ўқишга тайёрланишида бирор имтиёз яратилганми? Репетитор харажатларини давлат ҳисобидан қоплаш мумкинми?

Махлиё ШУКУРОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги
Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан ногиронлиги бўлган ёшларга ўқиш, яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишнинг маъмурий регламенти тасдиқланган.

Унга кўра, ногирон ёшларга нодавлат таълим ташкилотларида касб-ҳунар, дастурлаш, умумтаълим фанлари ва хорижий тилларни ўргатиш, зарур ҳолларда яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун БХМнинг 50 бараваригача субсидия ажратилади.

Субсидия олиш учун исталган давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади ёки ЯИДХП орқали давлат хизматидан электрон тарзда

фойдаланиш учун рўйхатдан ўтилади.

Ўқишга субсидия олиш учун ариза боланинг қонуний вакили томонидан берилса, унинг шахсий идентификация рақами ва боланинг қонуний вакили эканлигини тасдиқловчи ҳужжат, нодавлат таълим ташкилоти томонидан ариза берувчини ўқитиш тўғрисида шартноманинг электрон нусхаси илова қилинади.

Яшаш ва транспорт харажатлари учун субсидия олишда йўл харажатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон нусхаси, ижара шартномаси ва унинг солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ҳақидаги билдириш-номанинг электрон нусхаси тақдим этилиши керак. Давлат хизмати бепул кўрсатилади. Ариза 3 иш кунинда кўриб чиқилиб, субсидия ажратиш ҳақида электрон тизимга маълумот киритилади ва бу ҳақида ариза берувчига SMS-хабарнома юборилади. Нодавлат таълим ташкилоти жойлашган худуддаги маҳалланинг ёшлар етакчиси зиммасига ариза

берувчининг нодавлат таълим ташкилотидо ўқишини жойига чиққан ҳолда мониторинг қилиш вазифаси юклатилади.

Қарор асосида Ёшлар ишлари агентлиги ногиронлиги бўлган ёшларнинг нодавлат таълим ташкилотларида ўқиши ёки асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиши учун субсидия ажратиш орқали ўзини ўзи банд қилиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган миқдорда субсидия ажратиш келмоқда.

2023 йил учун ажратилган квота тўлганлиги сабабли ногиронлиги бўлган ёшларнинг ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш ёки асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш йўналишларида давлат хизматини кўрсатиш тўхтатилган. Аризалар 2024 йил 10 январдан қабул қилинади.

«Иш стажини архивдан чиқмасанми...»

Жавоҳир МУРОДОВ,
Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 октябрдаги «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 56-бандига асосан, меҳнат дафтарида (электрон меҳнат дафтарида) иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Бунда фуқароларнинг 2021 йил 1 июндан бошлаб пенсия тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг 2005 йил 1 январдан аввалги даврлар учун иш стажини меҳнат дафтарида (электрон меҳнат дафтарида)даги мавжуд ёзувлар асосида қўшимча тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан иш стажига ҳисобланади. Шунингдек, бу жараён Ягона миллий меҳнат тизими идоралараро дастурий-аппарат комплексидоги маълумотлар асосида тасдиқланади.

Меҳнат дафтарида бўлмаганда ёки меҳнат дафтарида зарур ёзувлар бўлмаган, меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар аниқланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотнома, буйруқдан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлар ва иш ҳақи бериш учун қайдномалар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даври тўғрисидаги ёзувлар бор бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

Бунда маълумотномада ишга қабул қилиш, иш (лавозим) бўйича ўзгаришлар ва асослари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномасининг тўхтатилиши тўғрисидаги маълумот қайд этилиши керак. Маълумотномани ташкилот ёки архив раҳбари, шунингдек, уни тайёрлаган ходим имзолайди ва ташкилот ёки архив муҳри билан тасдиқланади.

МАНЗАРА

«Топшириқ ва таътилдан раис хабарсиз қолмаса...»

Туман марказидан 10 километр узокликда, Навбахор ва Катта маҳалла қишлоқларини ўз ичига олган «Навбахор» йиғинида ҳозирда 2 700 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Худудда яшаётган жами 500 дан ортиқ хонадоннинг асосий тирикчилик манбаи — дала-деҳқончилик ишлари, чорвачилик ҳисобланади.

Аниқроқ айтганда, 30 дан ортиқ оилада 1 сотихдан 30 сотихгача иссиқхона хўжалиги мавжуд бўлса, юзга яқин хонадонда соғин сигирлар парваришланади. Шунингдек, 20 га яқин хонадон асаларичилик билан шуғулланади. Паррандачиликка иштиёқманд яна эллиқдан зиёд хонадонда 100 бошгача товуқ, курка боқилса, 3 та хўжалик тажриба-синов тариқасида сунъий ҳовузда балиқчилик фаолиятини йўлга қўйган. Муҳими, одамлар бор имкониятдан унумли фойдаланиб, даромад топишга, оилалари эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирда «Яшил макон» умуммиллий ҳаракати доирасида маҳаллада қизғин ишлар давом этмоқда. Масалан, «Жилвон жилоси» фермер хўжалиги ҳамда «Афзал полимер» МЧЖга тегишли 2 гектар ерда ниҳолчилик фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда қарағай, садақайрағоч, акация, гужум, тол,

терақ каби манзарали, яна ўрик, олма, гилос, шафтоли каби саранавли мевали дарахт кўчатлари уруғидан экиб етиштирилади. Жорий йил бошидан бу хўжалик жамоаси маҳалладаги томорқачилар, фермер хўжаликлари далаларига 50 минг тупдан зиёд икки-уч йиллик кўчатларни етказиб берди.

Ўтиб бораётган йил навбахорликлар ҳаётида муҳим из қолдиряпти, десам адашмайман. Худуддаги ўзгаришлар натижасида қишлоқлар, кўчалар обод бўлиб, янги қиёфа касб этмоқда. Хусусан, ички йўлларнинг 2 километрдан зиёд қисми асфальтланди, электр тармоғидаги камчиликлар бартараф қилинди. Ичимлик ва оқова сув масалаларида муаммо йўқ.

Куни кеча худудда янги маҳалла гузарининг фойдаланишга топширилгани қувончли воқеа бўлди. Эски бино ўрнида замонавий гузар қад рослаб, катта-ю кичик дийдорлашиб, бир пиёла чой устида сух-



батлашадиган шинам, кўркам масканга айланди. Оталар чойхонаси, ахборот-ресурс марказини ўзида жамлаган бунёдкорлик лойиҳаси 70 миллион сўм миқдоридаги ҳомийлик маблағи ҳисобидан амалга оширилди.

Тақлифлар масаласига келсак, «маҳалла етилиги» ташкил этиляпти, ана шу жараёнда раислар ваколати кенгайтирилди. Хусусан, ойлик маошни тасдиқлаймиз, ходимларни рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо қўллаш бўйича тақдимнома киритишимиз мумкин. Истардикки, ҳар бир ходимга юқори турувчи органдан келаётган топшириқ маҳалла раислари орқали берилса. Шунда унинг назоратини амалга ошириш осонлашарди. Қолаверса, ходимлар меҳнат таътилига чиқаётганда, маҳалла раиси розилиги олиниши керак. Бизда бу борада муаммо йўқ, бироқ газетани ўқиб, айрим худудларда айти масалаларда муаммолар кузатилаётганини кўряпман.

Ёрқин НАСИМОВ,
Шофиркон туманидаги
«Навбахор» маҳалласи раиси.

ҚУЛАЙЛИК

Зухра ЖУМАЕВА,
Термиз шаҳридаги «Нурли келажак» маҳалласи раиси:

— Бугун кўпгина оилалар ипотека кредити асосида уй-жойга эга бўлмоқда. Бироқ расмий даромадга эга бўлмаганлар бу имкониятдан фойдалана олмаётган вазиятлар кўп бўляпти. Кимдир тадбиркорлик, яна кимдир ўзини ўзи банд қилиб, даромад топаётган бўлса-да, ипотекага уй берилмаяпти. Айтингни, расмий даромадга эга бўлмаган, бироқ тўлов қобилиятига эга фуқаролар ипотекадан фойдалана оладими?

Расмий даромад бўлмаса, ипотека кредити берилмайдими?



Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— «2023 йилда бозор тамойиллари асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони мувофиқ, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг амалдаги тартибига 2023 йил 1 майдан ўзгартиришлар киритилди.

1. Банкларга расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишга рухсат берилди. Бунда фуқароларнинг тўлов қобилияти уларнинг банк картасидаги айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларини

ҳисобга олиш орқали аниқланади.

2. Банкларга қарз олувчи тўлаган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоииз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилди. Бунда дастлабки бадални кўпроқ тўлаган фуқаро арзонроқ кредит олиш имконига эга бўлади.

3. Субсидияга ажратилган маблағларни тезроқ ишлатиш учун субсидия хабарномасининг амал қилиш муддати 12 ойдан 4 ойга туширилди. Бунда фуқаро 4 ойда сертификатдан фойдалана олмаса, у субсидияга қайта ариза топшириши мумкин. Аризалар ҳар йили 1 майдан 1 декабргача қабул қилинади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хуршид АННАЕВ,
Ангор туманидаги «Каттақум» маҳалласи раиси:

— Бугун ер майдонлари, асосан, аукцион орқали берилляпти. Маҳалламизда яшовчи ногиронлиги бўлган шахслар онлайн савдо орқали ер харид қилмоқчи. Айтишларича, уларга харажатларнинг бир қисми давлат ҳисобидан тўлаб берилиши мумкин экан. Шу тўғрими?

Ер хариди учун тўлов давлат ҳисобиданми?

Наргиза ФАХРИДИНОВА,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги юристконсулти:

— Ҳукуматнинг 2023 йил 23 мартдаги тегишли қарори билан «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган.

Низомга кўра, ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оиласи таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, БҲМнинг 100 бараваригача (ҳозирда 33 млн. сўмгача) миқдорда бир марталик тўлов ажратилади. Бунда харажатлар ушбу миқдордан юқори бўлган ҳолларда, БҲМнинг 100 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади.

Имтиёзли тоифадаги шахслар куйидаги мезонларга мувофиқ келиши

керак:

- охириги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмаслиги;
- ер участкаси охириги 3 ой ичида аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон ҳудудида бўлиши;
- ногиронлиги бўлган шахс деб топилган, шунингдек, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг бирида турган бўлиши.

Имтиёзли тоифадаги шахс аукцион орқали ер участкасини сотиб олгандан бошлаб 3 ой ичида ўз ҳудудидаги туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимига мурожаат қилиши лозим (ушбу муддатдан кечикиб берилган аризалар кўриб чиқилмайди).

Маблағ ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинганда сўнг 5 иш кунинда имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризасида кўрсатилган банк пластик ҳисобварағига маблағ ўтказилиши таъминланади.





Пўлатқул
РАЙМҚУЛОВ,
Зомин
туманидаги
«Улуғбек»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» билан бир йўлдамиз!»

— Ҳар кун уйғониб, бугун кимгадир яхшилик қила олармиканман, деган ўй келади ҳаёлимга. Маҳалла тизимида иш бошлаганимдан буён шундай фикр билан яшайдиган бўлиб қолганман. Бир ишсизни ишга жойлаштиришга ёрдамимиз тегса ёки қайсидир оиладаги келишмовчиликни ижобий ҳал қилсак, шундан кўнглимиз хотиржам.

Бу шарафли бурчимизни адо этишда «Mahalla» газетаси ҳамisha бизга кўмакчи. Назаримда, у билан бир йўлда юриб бораётгандекмиз. Қачон нима изласак, топганмиз. Шунинг учун нашрга ўз ташаббусимиз билан обуна бўлдик.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳисоб-китоб вақтида амалга оширилмаса...

Қонунчиликка кўра, электр энергияси учун тўловни қайтариш маъносида қилинган электр энергияси учун тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.



Юқорида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин қарздорлик мавжуд бўлганда, маиший истеъмолчилар белгиланган тартибда электр тармоқларидан мажбурий узилади.

Бундан ташқари, истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёки белгиланган метрлар асосида ой тугаганидан сўнг 10 кун мобайнида тўлов амалга оширилиши лозим.

Мазкур муддатда истеъмол қилинган табиий газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ҳоким ёрдамчиси аслида қандай ёрдам бериши керак?

Донёрбек ШЕРАЛИЕВ,
Улуғнор туманидаги «Мингчинор»
маҳалласи раиси:

— Биламизки, маҳаллада ҳоким ёрдамчиси камбағалликни қисқартириш, субсидия ва кредит ажратишга масъул ҳисобланади. Аммо хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳам субсидия ва кредит ажратишга тавсия беради. Бу ҳолда вазифалар такрорланиб қолмаяптими? Ўзи ҳоким ёрдамчисининг вазифаси нимадан иборат? Шу ҳақда тўлиқ маълумот берсангиз.

Нажмиддин СУЛАЙМОНОВ,
Маҳаллабай ишлаш ва
тадбиркорликни ривожлантириш
агентлиги бош мутахассиси:

— «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Президент фармонида кўра, 2022 йил 1 январдан маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилган. Унга кўра, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни «хонадонбай» ўрганиш, бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, доимий ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик ўқув марказларига йўналтириш ҳамда битирувчилар бандлигини таъминлашга ёрдам бериш асосий вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, оилавий тадбиркорлик



дастурлари доирасида кредитлар олишда кўмаклашиш, маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, операция асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, томорқадан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш кўзда тутилган.

Иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш қудуқларини бурғилаш, қишлоқ хў-

жалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат куролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун субсидиялар олишда кўмаклашиш, бўш бино ва ер майдонларини аниқлаб, уларни белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ажратиш бўйича тегишли ташкилотларга тақлифлар киритиш, муаммоларнинг тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш жараёнида бевосита ҳоким ёрдамчилари масъул.

ТАЖРИБА

«Ичимлик сув 40 йиллик муаммо эди...»

Асосий «драйвер»имиз деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, ҳудудда 1300 нафар аҳоли яшайди. Республиканинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2022 йилда «Обод маҳалла» дастури доирасида инфратузилма яшиланди. Аҳолининг кундалик турмуш шароитида муҳим бўлган йўл, электр энергияси, газ ва ичимлик сув муаммоларини бартараф этиш ишлари олиб борилди. Қолаверса, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, шифо масканлари, кўчалар, кўп-лаб аҳоли хонадонлари таъмирланди. Дастур асосида 5 млрд. 147 млн. 160 минг сўмлик иш бажарилди. Жумладан, электр энергияси барқарор етказиб берилиши юзасидан 2.4 км. электр тармоқлари тортилди, 53 та та-

янч устунлари янгиланди, 2,2 км. пиёдалар йўлакчаси қурилди ва 25 та тунги ёритиш чироклари ўрнатилди. 5 км. ички йўлларнинг аҳоли яхшиланиб, асфальт ва бетон қоплама ётқизилди. 1,4 км. янги оптик толали алоқа линияси ўтказилди.

Ҳудуд инфратузилмасини яхшилашга қаратилган ишлар 2023 йилда давом этди. Қозоқовул, Ҳайдарқўл, Чинобод, Янгибоғ кўчаларига 7 км. узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди. Кўчаларга ичимлик сув 40 йилдан бери етиб бормасди. 2 600 метр масофада бетон ариқ ётқизилди. Жорий йилги қувончи



воқеа — маҳалла биноси қуриб фойдаланишга топширилгани бўлди. Бу ерда барча ходимлар учун шароит етарли.

Ўз навбатида иш ўринлари

яратиш, камбағалликни қисқартириш борасида тадбиркорлик соҳаси ривожлантирилди. Маҳаллада қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхона

ташкил этилиб, 3 та иш ўрни яратилди. Ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида хоҳловчиларга кредит олишда кўмаклашилди. Улар сартарошхона, этикдўзлик устахонаси, гўзаллик салони фаолиятини йўлга қўйди. 15 нафар ишсиз хотин-қизга субсидия ва кредит ҳисобига тикув машинаси олиб берилди. Янги иш бошлаган пахта қайта ишлайдиган корхонада 3 та иш ўрни пайдо бўлди.

Аҳоли талаб ва тақлифи асосида ҳудудда 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти қуриш юзасидан туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Қолган кўчаларни асфальтлаш лозим.

Лутфилло ҲАМИДОВ,
Арсаной туманидаги
«Чинобод» маҳалласи раиси.

МУАММО

«Жамоат транспортигача 7 км. пиёда юрилади»



Маҳалланинг асосий «драйвери» – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвачилик. Саксон фоиз хонадонларда чорва моллар боқилади. Гўшт ва суг маҳсулотлари ўзларидан, рўзғордан органини бозорга чиқаради.

Олтмиш фоиз аҳоли картошкачилик билан шуғулланади. Бунда Самарқанд қишлоғи аҳолиси етакчи, деярли барчаси картошка етиштирилади. 120 та хўжалик 50 сотихдан 30 йилга ер олиб, деҳқончилик қилмоқда. Улар, асосан, картошка ва қизил ловия экади. Биргина 12 сотихли томорқасига экилган картошқадан

12 миллион сўмгача даромад олмақда. Жаҳонда қизил ловияга талаб юқори бўлгани учун даромад яхши. Утган йил барча шароитларга эга янги маҳалла идораси қурилди. 120 ўринли давлат боғчаси фойдаланишга топширилди. Худудда 4 та мактаб, 5 та хусусий уй боғчаси, қишлоқ врачлик пункти, маданият маркази фаолият юритмоқда. Маданият марказида турли тадбирлар уюштирилиб, ёшлар мавжуд тўғрақларда бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Маҳалла туман марказидан 25 километр олисда жойлашган. Шу сабаб жамоат транспорти қатнови

муаммо. Машинаси йўқлар 7 километр пиёда юриб, кейин катта автомобиль йўлдан жамоат транспортларига чиқади. Шунингдек, 28 километр ички йўллар асфальтланиши, 3 та трансформатор, 260 та эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилиши керак. 12 километр ичимлик сув тармоқлар тортилиши зарур. Худудда битта текстиль корхонаси қурилса, кўплаб ишсиз аҳоли ишли бўларди. Бунинг учун хомашё ҳам, жой ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Ғанишер ИБРОҲИМОВ,
Оққўрғон туманидаги
«Зарбдор» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Қайси ҳудудга қандай лимон нави мос?»



Асrorқул РУСТАМОВ,
Самарқанд туманидаги «Дўстлик»
маҳалласи раиси:

– Барча ҳудудлар қатори бизнинг маҳаллада иссиқхона ташкил этиб, лимончилик билан шуғулланаётган хонадон эгалари сони ортиб бормоқда. Бироқ ҳамма ҳам ўз ҳудудига қандай лимон навлари мос келишини билмайди. Қайси ҳудудга қандай лимон навларини экиш мумкин? Иссиқхонасиз етиштириш мумкин бўлган лимон навлари яратилганми?

Муҳаммадзид ФАХРИДДИНОВ,
Халқаро табиат экология
ўсимликшунослик фанлари
академияси академиги,
селекционер олим, агроном:

– Кузатишларим ва шу соҳа эгаси сифатида айтишим мумкинки, Ф1-«Тошкент» ҳамда «Турон» лимон навлари республикамизнинг барча ҳудуд иқлимига мос келмоқда. Бу навларни ўзим ёки отам яратгани учун айтмайман. Буни ҳудудларда лимончилик билан шуғулланаёт-

ганларнинг мурожаатидан келиб чиқиб айтяпман. Марказимизга шу масалада ҳар куни 250 га яқин телефон кўнғироқлари бўлади. Қибрай ва Юқори Чирчиқ туманларида 7 ёшли лимоннинг ҳар бир тупидан 150 килограмдан ҳосил олмақда. Қашқадарё вилоятида 100 кг. Ҳатто, Қозоғистон ва Бошқирдистонда Ф1-«Тошкент» ва «Турон» лимон навлари экилиб, юқори ҳосил олинмоқда. Шу сабаб Самарқанд вилоятига ҳам ушбу навларни тавсия этаман.

Цитрус мева кўчатлари бир оилага мансуб бўлиб, уларнинг агротехникаси бир хил. Шу боис уларни биргаликда битта иссиқхонада парваришlash мумкин.

Цитрус меваларни иссиқхоналарга экмасдан ҳосил олса бўлади. Бунинг учун ернинг тупроғини 1,5 метр олиб ташлаб, ичига чириган гўн солиб, ер билан яхшилаб ағдариб чопилади. Агар эни 3 метр бўлса, орасини 2 метрдан қилиб лимон кўчатлар экиб, устидан «термиз» қилиб бир қават полиэтилен плёнка ёпилади. Сўнг устидан карказ қилиниб, иккинчи полиэтилен плёнкаси тортилади. Шу тариқа лимон экса бўлади, лекин ҳосилдорлик 50 фоиз кам олинади. Ҳозирда очик шароитда экиладиган цитрус ўсимликларнинг янги навлари устида тажриба ишлари олиб бориляпти. Янгилик бўлса ишлаб чиқаришга тавсия этамиз.

Лимончилик бўйича қўшимча
саволлар бўлса, +99898 302-98-38
телефон рақамига кўнғироқ қилиб,
керакли маълумотлар олишингиз
мумкин.



Ўткир
ШЕРАНОВ,
Олмалик
шаҳар
«Кўрпасой»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Ҳаммамизга ҳар доим керак!»

– Маҳалланинг обод масканга айланиши, аҳолининг фаровон турмуш кечириши кўп жиҳатдан маҳалла раисининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Агар у ўз худудини уйддек, фуқароларини оила аъзосидек қабул қилиб ишга ёндашса, муаммоларнинг ечим топиши анча энгил кечади.

Бугун биз фаолиятимизни айнан шу мезонлар асосида юритишга ҳаракат қиляпмиз. Бу йўлда энг яқин ҳамроҳимиз – «Mahalla» газетаси. Ундан фуқароларимизни қизиқтирган барча саволларга доим жавоб топганмиз. Қолаверса, маҳалла ходимлари учун жуда муҳим қўлланма. Ҳаммамизга керакли нашр бўлгани учун газетага келгуси йил учун обуна бўлдик.

ҲОЛАТ

«Ичимлик сув ва электр таъминоти муаммо»



Маҳалла Зарқент тоғ этакларида жойлашган бўлиб, «драйвери» – узумчилик, боғдорчилик. Аҳоли томорқаларида 20 гектар узумзор, 15 гектар боғ бўлиб, уларда турли мевали дарахтлар парваришланади. Бундан ташқари, 50 та фермер хўжалиги узум ва боғдорчилик билан шуғулланади.

«Истиклол»ликлар ҳар иккала маҳсулотни етиштиришда катта тажрибага эга. Асосий даромади шундан. Кўпчилиги хонадонларида 5 тоннадан 15 тоннагача меваларни сақлайдиган музлаткичлар қуришган. Улар мавсумдан орттирган меваларни музлаткичда баҳоргача сақлаб, қимматроқ нархларда сотишади.

Худудда узум ва турли мевалар мўл-ҳосил, фақат уларни қуритадиган ва қайта ишлайдиган корхона керак, холос. Келгусида маҳалла агротуризм манзилларидан бирига айланиши шубҳасиз. Бунинг учун гўзал манзара, узумзору боғлар мавжуд. Ҳозир бу борада ишлар бошланган.

Яна бир янгилик, худудда тожик маданият маркази қурилмоқда. Яқин кунларда фойдаланишга топшириладиган марказда ёшлар учун бир қанча тўғрақлар фаолият юритади. Махсус кийимлар тикадиган текстиль корхонасида 20 нафар аҳоли банд.

Ички кўчалар тўлиқ асфальтланди. Келгусида тоғдан сув олиб келиб, аҳолини тўлиқ ичимлик сув билан таъминлаш режалаштирилган. Бироқ ушбу масалани дастурга киритиш муаммо бўляпти. Яна бир муаммо, Гулистон, Меҳнатобод, Обод, Механизатор кўчаларида яшаётган аҳолининг электр таъминотини яхшилаш учун битта электрстанция қуриш керак.

Сухроб ИСМАТОВ,
Паркент туманидаги «Истиклол» маҳалласи раиси.



Зоҳида
МАСЛАНОВА,
Зангиота
туманидаги
«Олмасор»
маҳалласи раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla»ни уйларига олиб кетиб ўқишади»

– Назаримда, маҳалла раиси бўлиш қисматимга битилган. Сабаби буваларим шу иш билан шуғулланишган. Уларга муносиб авлод бўлиш учун бор имкониятимдан фойдаланишга ҳаракат қиляпман. Меҳнатларимиз бирма-бир ўз самарасини кўрсатмоқда. Энг муҳими, одамларимиз аҳил ва иноқ. Мен ҳамиша уларга суянаман.

Қолаверса, эришаётган ижобий натижаларимизда «Mahalla» газетаси ва «Mahalla ko zgusi» журналининг алоҳида ўрни бор. Ҳар иккисини қолдирмай ўқиб чиқаман. Маҳалламизда ташкил этилган кутубхонага келадиганлар уларни бир варақламай кетишмайди. Айримлари уйига олиб кетиб ўқишади. Улардан газетани қизғониб, тез олиб келинг-а, бизга жуда керак бўлади, деб тайинлайман. Олам-олам маълумотлар олганимиз учун ҳар иккала нашрга келгуси йил учун обуна бўлди.

МУАММО

«4 йилдирки, фақат ваъда эшитяпмиз...»



Маҳалла аҳолисининг 30 фоизи турли давлат ташкилотларида меҳнат қилади. Қолган қисми тadbиркорлик, савдо-сотик, хунармандчилик, гулчилик ишлари билан банд. Жорий йил аҳолининг 12 фоизи турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилиб, даромадли бўлди.

Маҳалла идорасига туташ ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари – тикувчилик ательеси, сартарошхона, гўзаллик салони фаолият юритмоқда. Шунингдек, йиғинда 3 та дераза ва эшик-ром ясовчи уста-хунарманд, автомобиль устахоналари ҳамда битта боғча ва оилавий поликлиника бор.

Муаммо: аҳоли кўчаларнинг таъмирталаб ҳолатидан, электр энергия кучланиши пастлигидан хонадонларидидаги маиший техникалари куйиб қолаётганидан шикоят қилмоқда. Шу сабаб 8 та кўчанинг 5 тасини тезда асфальтлаш, 1 та янги трансформатор, 96 та бетон устун ўрнатилиши зарур. 4 йилдан буён трансформатор ва бетон устунлар бўйича туман электр тармоқлари корхонасига мурожаат қиламиз, лекин ваъда беришдан нарига ўтишмайди.

Келгусида маҳалла идораси ҳовлисида болалар ўйингоҳи ҳамда новвойхона, машиналарни ювиш хизматини ташкил этиш режалаштирилган.

Рауф ЁКУБОВ,
Самарқанд шаҳридаги «Гулбод» маҳалласи раиси.

ТАЖРИБА

«Маҳалла иккига ажратилса, аҳолига қийинчилик бўлмас эди»

Маҳалла туман марказига ёндош ҳудудда жойлашган. Кўпроқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари – ғалла, шולי, «тўқсонбости» экинлари экилади. Аҳолининг асосий даромади шундан. Кўшимчасига чорва моллари боқишади. 60 фоиз хонадон эгалари ўзини ўзи гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлайди. Орттирганини бозорга чиқаради...

Шунингдек, асаларичилик, хунармандчилик, қандолатчилик йўналишлари «устоз-шогирд» анъанаси асосида ривожланмоқда. Масалан, тadbиркор Шарофат Жуманазарова асаларичилик билан шуғулланиб, асал қутилари сонини 200 тага етказди. «Устоз-шогирд» асосида коллеж битирувчилари ва аҳолига бир ойлик ўқув курсида асалари боқишни ўргатмоқда. Натижада 15 дан ортиқ хонадон эгалари асалари боқишни бошлади. Tadbиркор таъминотчи сифатида аҳолига асалари қутилари етказиб бермоқда.

Хунарманд Лайло Матёкубова маҳалла идорасининг бўш турган хоналарида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, «устоз-шогирд» асосида 30 нафар хотин-қизни ишли қилиб, бир ойлик ўқув курсини ташкил этди. Ушбу ўқув курсини битирган хотин-қизларга сертификат берилиб, шу асосида уларга тикув машина олишга тавсия берилади. Ҳозир 15 нафари субсидия асосида тикув машина олиш арафасида.

«Устоз-шогирд» анъанаси автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналарида давом этмоқда.



Маҳалладаги 8 та устахонада 20 дан зиёд ёшлар устачиликни ўрганипти. 3 нафари алоҳида иш фаолиятини бошлади. Шунингдек, 5 та пишириқ цехида 20 нафар хотин-қиз хунар ўрганишяпти.

Муаммо: 9 километр тупроқли ички кўчага тош ётқизибли, 5 та трансформатор, 200 та бетон устун ўрнатилиши зарур. Синфхоналар етишмовчилиги сабаб ўқувчилар 3-7 километр йўл босиб, кўшни маҳалладаги мактабларга қатнамоқда. Шу боис мактабга кўшимча бино қуриб, атрофи темир панжаралар билан ўралиши керак. Аҳоли эътирозларидан яна бири – Қизиласкар қишлоғидаги 50 ўринли таъмирталаб,

йиқилиш ҳолатида турган эски боғча ўрнида 150 ўринли янги давлат боғчаси қурилиши зарур. Бу борада тегишли ташкилотларга бир неча маротаба оғзаки ва ёзма мурожаат қилинди, бироқ натижасиз қолмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла аҳолиси тарқоқ жойлашган. Қолаверса, аҳоли сони 7000 дан ортиқ. Шу сабаб маҳалла иккига бўлинса, аҳоли учун анча қулайлик бўларди. Чунки бирор юмуш билан маҳалла идорасига келиб-кетиш аҳолига қийинчилик туғдирмоқда.

Тожибой МАТНАЗАРОВ,
Янгиариқ туманидаги «Дўстлик»
маҳалласи раиси.

ТАШАББУС

«Ҳар бир оила билан алоҳида ишлаш самарали бўляпти»

Маҳаллада хатлов натижаларига кўра, тоифаларга ажратилган ҳар бир оила билан алоҳида ишлаш тизими йўлга қўйилган. Доимий даромадга эга 1085 нафар оила аъзоларининг 794 нафари расмий даромадга эга бўлса, 617 нафари норасмий даромадга эга.



Йиғин, асосан, хизмат кўрсатиш, деҳқончилик ва чорвачиликка мослашган. Деҳқончилик билан шуғулланаётган аксарият аҳолининг даромади яхши. Улар томорқа ерларидан унумли фойдаланиб, ички бозор учун даромади яхши ва кўпроқ ҳосил оладиган экинлар – картошка, сабзи, помидор, бодринг, қизил ловия, саримсоқ пиёз экади. Иссиқхонаси борлар бодринг, помидор билан бирга, турли кўкат ва кулупнай етиштиради. Шунингдек,

фермер ва кластерларга тегишли ғалладан бўшаган ер майдонларига такрорий экинлар экиб, даромад олишади.

Бундан ташқари, аҳолининг кўпчилигида қора мол ва қўйлар бор. Насли қўйлар етиштириш ва кўпайтиришда катта тажрибага эга. Чунки ота-боболари чўпончилик, қўйчилик, пода боқиш билан шуғулланган. Ишсиз фуқароларга «Онлайн маҳалла» платформаси орқали чорвачилик йўналишига 14 фоизли кредитлар

ажратилмоқда.

Маҳалланинг жойлашуви ва ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда ўсиш нуқтаси сифатида қисман хизмат кўрсатиш соҳаси киритилган. Озиқ-овқат дўконлари, умумий овқатланиш жойлари, новвойхоналар, сартарошхоналар, кийим-кечак дўконлари фаолият юритмоқда. Бу соҳани ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, 150 ўринли хусусий шериклик асосида икки қаватли боғча қурилмоқда. Яна бир ишлаб чиқариш корхонаси иш бошлаш арафасида. Келгусида икки объект ишга туширилгач, қўшимча олтимишга яқин янги иш ўрни яратилади.

Йиғин ходимлари ва аҳолининг ташаббуси билан Амир Темур ва Наврўз кўчаларига замонавий тунги ёритқич чироқлари ўрнатилди. Ёшлик кўчасининг 650 метри асфальтланди. Келгусида Бобур ва Ўқитувчи кўчаларини асфальтлаб, «Бир кўча – бир маҳсулот» тамойили асосида хоҳловчилар учун иссиқхоналар қуриб берилади.

Таклиф: маҳаллага битта хужжат ишлари билан шуғулланадиган ходим керак.

Равшан ЖЎРАБОВ,
Оққўрғон туманидаги
«Наврўз» маҳалласи раиси.

ВАЗИЯТ

«Рағбат бўлмагач, ишимиз
натижаси кўринмаяпти»

3 760 нафар аҳоли яшайдиган маҳалламиз 2022 йилда «Обод маҳалла» дастури асосида кўркам масканга айланди. Ижтимоий соҳа инфратузилмаси ва ички йўллар, пиёдалар йўлакларини қуриш, ичимлик сув, газ ва электр таъминотини янада яхшилаш борасидаги ишлардан аҳоли мамнун. 2 километр масофадаги ички йўллар таъмирланиб, бетонлаштирилди. 1070 метр масофада пиёдалар йўлаги қурилди. Бунинг учун 333 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ичимлик сув муаммосини ҳал этиш учун бир дона 25 кубометр сифимли сув минораси, сувни зарарсизлантириш ва ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш, ичимлик сув кудуғини тозалаш, насос жамланмаси ўрнатиш учун 345 миллион сўм маблағ ажратилди. Ушбу ишларни «Янгиер қурилиш» масъулияти чекланган жамият қурувчилари амалга оширди. Иккита болалар майдончаси қурилди. 18 та кўп қаватли уй фасад ва том қисми таъмирланиб, кириш эшиклари ўрнатилди.

Мажнунтол, Даштобод ва Нарвон кўчаларида салкам 3 километр масофадаги газ қувурлари, устун-

лари тартибга келтирилиб, бўялди. Маҳалладаги 10-умумтаълим мактабида реконструкция ишлари амалга оширилди, кўшимча бино қурилди. Ушбу бунёдкорлик ишларига 649 миллион сўм маблағ ажратилди. Кўчабошидаги бетон таянч устунларга 50 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди.

Маҳаллага келган кишининг обод ва кўркам турар-жойлар, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш муассасаларини кўриб кўзи қувнайди. Яна бир муҳим жиҳати ўзгаришларга мос равишда уй-жойларини саранжом-саришта, озода ва кўркам тутишга ҳаракат қилмоқда.

Асосий «драйвер»имиз — иссиқхона йўналиши. «Экофрут» МЧЖга қаршли улкан иссиқхонада 200 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Айрим масалалар ечимини кутмоқда. Жумладан, жорий йил Мажнунтол ва Даштобод кўчаларини «Менинг йўлим» дастури асосида асфальтлаш режаланган эди. Аммо маблағ йўқлиги учун ишлар тўхтаб турибди. Шунингдек, бўш ер майдонига тўй-маъракалар ўтказиш учун бино қуриш таклифини берганмиз. Вилоят ҳокимлиги розилигини кутяпмиз. Тизимни янада такомиллаштириш учун кўчабоши ва уйбошилари рағбатлантиришни йўлга қўйиш лозим. Бусиз ишимиз натижаси кўринмаяпти.

Эркинжон ЙЎЛДОШЕВ,
Янгиер шаҳридаги «Шодиёна»
маҳалласи раиси.

ҲУҚУҚ

Ер ости сувларидан «ҳисоблагич»
орқали фойдаланиладими?

Абдурашид БЕРДИЕВ,
Арносов туманидаги
«Чўлқувар» маҳалласи раиси:

— Шу кунларда ер ости сувларидан «ҳисоблагич» билан фойдаланишга ўтилаётгани борасида хабарлар тарқалди. Бу маълумотлар қанчалик асосли? Агар рост бўлса, ким учун қай тартибда амал қилади?

Азамат АКОБИРОВ,
Тоғ-кон саноати ва геология
вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Республикамиздаги барча сув ресурсларига оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуни билан тартибга солинган бўлиб, унда ваколатли органлар, сувдан фойдаланувчи ва истеъмолчиларнинг мажбуриятлари белгиланган. Қонуннинг 35-моддасида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг мажбуриятларидан бири сифатида сув олиш объектида ҳисоблагичлар ўрнатилиши кўрсатилган. Сув олиш объекти дейилганда дарё, канал, ер ости кудуқлари, булоқ қабилар назарда тутилади.

2022 йил 7 декабрда Президентимизнинг «Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-

ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 21 та ҳудудда ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича алоҳида тартиб жорий этилади. 2024 йил 1 январдан бошлаб, ер ости сувларидан фойдаланишда сув ҳисоблаш воситалари ўрнатиш белгиланди. Бунда кунлик 5 тоннагача (метр куб) ер ости сувларини олишга ва чуқурлиги 25 метргача бўлган кудуқлардан фойдаланишда жисмоний шахслардан тўлов ундирилмайди. Ҳисоблагични, аввало, юридик шахсларга ўрнатиш мажбурий бўлиб, кунлик 5 тоннадан кўп ва 25 метрдан чуқур ер ости сувларини олувчи жисмоний шахсларга татбиқ этилади. Юридик шахс таркибига аҳолини ичимлик сув билан таъминловчи сув таъминот, сув хўжалиги ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва йирик саноат ишлаб чиқариш заводлари қиради. Жисмоний шахслар 5 тоннагача сувни бепул олиши мумкин. Шу миқдорда сув олганда сув ресурсларига таъсир қилмайди.

Жамшид ЖЎРАЕВ,
Вобкент туманидаги
«Чўриқалон»
маҳалласи
раиси.



МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» — тизимнинг бир бўлаги

— Қуруқ гап, насихат одамларга кўп ёқавермайди. Ҳаётини мисоллар, аниқ натижалар билангина уларнинг эътиборини жалб этиш мумкин. Ўн тўрт йиллик тажрибам давомида, асосан, шу усулдан фойдаланиб келяпман. Оилавий низоларни ҳал этиш, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш каби масалаларда кўрганларим ва ўқиганларимни халқчил ва содда тилда гапириб бераман. Бундан таъсирланган инсон, албатта, ўзига тўғри хулоса чиқаради.

Бу борада бизга «Mahalla» газетаси ҳар доим манба вазифасини бажариб келган. У билан билим захирасини мунтазам тўлдириб борамиз. Бошқа маҳаллалар тажрибасини ўрганамиз. Бир сўз билан айтганда, газета тизимнинг бир бўлагига айланиб бўлган. Шунинг учун унга 2024 йил учун ўз ташаббусимиз билан обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ғайрат ТОШПЎЛАТОВ,
Қўқон шаҳридаги
«Мингтут» маҳалласи раиси:

— Кунлар совishi билан маҳаллада ёнғин хизматиданмиз деб, уйма-уй юрадиганлар пайдо бўлади. Айни кунларда ҳам ёнғин хизмати ходимлари аҳолидан пул йиғишни бошлаган. Йиллик тўлов 30 минг сўмдан экан. Шу тўғрими? Шундай мутахассислар маҳаллага келса, аввало, раисларни хабардор қилиши керак эмасми?

«Ёнғин хизмати
ходимига пул бериш
мажбурий эмас»

Самандар ҲИҚМАТИЛЛАЕВ,
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
матбуот хизмати ходими:

— Аввало эсда тутиш керакки, бу ходимлар ёнғин хавфсизлиги мутахассислари эмас. Улар нодавлат ташкилот вакиллари ҳисобланиб, аҳолига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича пулли хизмат кўрсатади. Бунда фуқаролар розилиги билан, шартнома асосида иш ташкил қилинади. Мажбурий тартибда маблағ ундириш мумкин эмас.

Аслида уларнинг хизматидан фойдаланиш жуда муҳим. Яъни дудбуронларни сошлаш, тозалаш кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олади. Чунки бундай хизматни кўрсатувчи давлат ташкилоти йўқ. Мисол учун уйдаги ҳавонинг 0,01 фоизини ис гази ташкил қилса, заҳарланиш содир бўлади. Мана шу каби кўнгилсизликнинг олдини олиш учун дудбуронларни тозалаб туриш шарт.

Аммо кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти ходимлари орасида фирибгарлар ҳам учрайди. Мисол учун ҳеч бир хизмат кўрсатмай пул сўраса, билинги, бу фирибгар. Агар мосламалар билан дудбуронларни текширса, уларни тозаласа, демак, шартнома тузиб, маблағ берса бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, юқоридаги каби ташкилот ва корхоналар хусусий тузилма бўлиб, уларга пул бериш мажбурий эмас.



Олим
МАВЛОНОВ,
Самарқанд
шаҳар
«Адолат»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Дарров газетани варақлаймиз»

— Одамлар маҳалла идорасига менга ёрдам беришади, деган шинж билан келади. Уларнинг буюмидини сўндирмаслик учун туну кун меҳнат қиляпмиз. Худудимиздаги кам таъминланган оилаларнинг моддий ёрдам олиши, ишсизларнинг ишга жойлашиши ва шу каби кўплаб муаммолар ўз вақтида ҳал этиляпти.

Бу савобли амаллар йўлида «Mahalla» газетаси ҳаммиса бизга ҳамроҳлик қилиб келмоқда. У ходимларимизнинг энг керакли иш қуролига айланган. Кимда нима савол туғилса, дарров газетани варақлайди. Севимли наشري-миздан доим фойдаланганимиз учун ҳам келгуси йилга ўз ташаббусимиз билан обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Раҳимжон ЭСОНОВ,
Хатирчи туманидаги «Каттасой» маҳалласи раиси:

— Маҳалладошимиз бундан 10 йил муқаддам умрбод II гуруҳ ногиронлигига чиққан. 30 йиллик иш стажига бор, 2023 йил март ойида ёшга доир пенсиясига чиқди. Ҳозирда 900 минг сўм пенсия олади. Кунни кеча маҳалла идорасига келиб, яна қайта ногиронлик пенсиясига ўтса бўладими-йўқми, шу ҳақда маслаҳат сўради. Шундай қилса бўладими?

Пенсияни бир турдан бошқасига алмаштириш мумкинми?



Фаррух ЖўРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, пенсияларнинг бир турини олаётган пенсионер «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, бошқа пенсия турига бўлган ҳуқуқ мавжуд бўлган тақдирда, ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтказишда тайинланган пенсияни тўлаш тўхтатилади ва қонунчилик билан қўйиладиган иш стажига ва ойлик иш ҳақини ҳисоблаш талабларга мувофиқ, бошқа турдаги пенсия тайинланади. Бундай аризаларни Пенсия жамғармаси бўлими ўн кун муддатда кўриб чиқади.

Ёшга доир пенсияни ногиронлик пенсиясига ўтказишда пенсия тайинлангандан кейин эга бўлинган иш стажига ва иш ҳақи ҳисобга олинмайди.

Қайта ногиронлик пенсиясини ҳисоблашда фуқарога биринчи марта ногиронлик пенсияси тайинланган вақтдаги ўртача ойлик иш ҳақи ва иш стажига олинади. Бунда ногиронлик пенсиясини тайинлаш вақтида амалда бўлган қонунчиликда назарда тутилган пенсияни ҳисоблаш учун иш ҳақи ва иш стажини ҳисоблаш шартлари қўлланган ҳолда аниқланади.

ТАЖРИБА

«Ўйингоҳ қуришга ҳомий бор, аммо бўш ер йўқ»



Маҳалла Самарқанд шаҳар марказига туташ ҳудудда жойлашган бўлиб, уч ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг олтимиш фоизи «Самарқанд чинни заводи», «Самарқанд автомобиль заводи», «Самарқанд металлургия заводи» каби йирик корхона ва заводларда, турли давлат ташкилотларида меҳнат қилади.

Ишсизлар йўқ ҳисоби. Олти нафар ишсиз аҳолини ҳоким ёрдамчиси билан ишга жойлаштириш ишлари олиб бориляпти. Аҳолининг ҳар бир мурожаати «маҳалла бешлиги», сектор раҳбари ва туман ҳокимлиги кўмагида ҳал этилади. Шу сабаб, муаммосини ҳал этолмай, ташкилотма-ташкилот сарсон бўлиб юрган фуқаролар йўқ.

Ўз вақтида қилинган мурожаатлар натижасида симёғочларнинг 99

фоизи бетон устунларга алмаштирилди. Барча кўчаларга интернет тармоқлари тортилди. 4 та кўчага 154 та тунги ёриткич чироклари ўрнатилди. Табиий газ, электр энергия ва ичимлик сувдан муаммо йўқ, барчаси хонадонларга кириб борган. Фақат ер ости қувурлар тортилиши ва Саховат, Мустақиллик, Тадбиркорлик кўчаларини таъмирлаш зарур.

Аҳолининг маълум қисми тадбиркорлик, асосан, савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Ҳозирда 100 ортиқ тадбиркорлар бор. Саховатпеша ҳомийлар кўп, лекин болалар ўйингоҳини қуриш учун бўш ер майдони йўқ. Фуқароларни янада кўпроқ тадбиркорликка жалб этиш мақсадида янги савдо мажмуаси қурилмоқда. Келгусида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ниятда.



Маҳалла ёшларининг чет тилга бўлган қизиқишини инобатга олиб, Гуландон Бекмирзаева идора биносида «Nurafshon LEARNING» ўқув марказини ташкил этиб, 40 нафардан ортиқ ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бериляпти. Тадбиркор Зилола Раҳматова 5 нафардан зиёд ёшлар бандлигини таъминлаб, уларга тикувчилик сирларини ўргатмоқда.

Йиғин ходимлари ва нуронийлар хайри ишга бош қўшиб, кўшни «Хишров» маҳалласида жойлашган «Арабхона» қабристонига 1000 тупдан ортиқ манзарали дарахт экиб, ободонлаштириш ишларини олиб борди.

Мизроф САЛИМОВ,
Самарқанд туманидаги
«Нурафшон» маҳалласи раиси,
«Маҳалла ифтихори» кўкрак
нишонни соҳиби.

МУАММО

«Бир йилдирки, амалий ёрдам кўрсатилмаяпти»

«Нурли маскан» энг ёш маҳаллалардан бири, 2017 йил ташкил этилган. 3636 нафар аҳолининг 1555 нафари ёшлар, 1570 нафари аёллар. Меҳнатга лаёқатли бўлган 1875 нафар аҳолининг 1663 нафари иш билан банд. Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг икки нафари «Темир дафтар»га, 21 нафари «Ёшлар дафтари»га, 102 нафари «Аёллар дафтари»га киритилган.

Маҳалланинг «драйвери» — чорвачилик ва хизмат кўрсатиш. Аҳоли хонадонларининг олтимиш фоизида чорва моллари боқилади. Гўшт ва сут маҳсулотлари етиштирилади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Каримбой Хурсандбек» оилавий корхонаси томонидан автомобилларни таъмирлаш устaxonаси ишга туширилиб, иккита янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, битта хусусий тиббий клиника, тўйхона, банк хизмати маркази, мебелларни қайта таъмирлаш устaxonаси, сартарошхона ҳамда 3 та автомобилларни таъмирлаш устaxonаси, 2 та авто-

мойка, 2 та умумий овқатланиш шохобчаси, 9 та савдо дўкони фаолият юритмоқда.

Жорий йил 33 нафар фуқарога 30 йил муддатга жами 11,6 гектар ер майдони ажратилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экилиши таъминланди. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида 56 та тадбиркорга 1,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Хусусан, балиқчилик йўналишига 270 миллион сўм, хизмат кўрсатиш соҳасига 660 миллион, бошқа йўналишларга 570 миллион сўм берилган. Бундан ташқари, муқобил энергия таъминотини яхшилаш бўйича 3 та хонадонга, битта хусусий клиникага

қуёш панеллари ўрнатилди.

Шу билан бирга, муаммолар бор. 4 километр тупроқ йўл шағаллаштирилиб, 5 километри асфальтланиши зарур. Аҳолининг электр таъминотини яхшилаш учун йил бошида туман электр тармоқлари корхонасига 2 та трансформатор, 22 та бетон устун ўрнатиш бўйича мурожаат қилинган, бироқ бир йилдирки, амалий ёрдам кўрсатилмаяпти.



Адамбой АЧИЛОВ,
Боғот туманидаги
«Нурли маскан» маҳалласи раиси.

МУЛОҲАЗА

Оилада ажралишнинг сабаби:

- ✓ қайнона ёмон;
- ✓ қайнотанинг ўрни йўқ;
- ✓ куёв уқувсиз;
- ✓ келин қиздек кўрилмайди...



Ўзбекистонда 2023 йилнинг саккиз ойида қарийб 34 мингта оила ажрашиб кетди, бу оилалардаги 25 минг бола энди кундалик ҳаётини отаси ёки онасиз давом эттиради. Ажралишларнинг асосий қисми эр-хотиннинг оилага тайёр эмаслиги, учинчи шахс аралашуви, узок вақт бирга яшамаслик, молиявий қийинчиликлар, хиёнат, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик, фарзандсизлик сабаб юз берган.

Куни кеча Навоий вилояти суди, Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ўқув-семинарида айна шу масала маҳалла раислари эътиборида бўлди. Мен ҳам ўз фикрларим билан бўлишмоқчиман.

Биринчидан, келинни қиз ўрнида қабул қилиш керак. Кўпгина оилаларни етмиш-саксон

фоиз ҳолатда қайнота ва қайнона бошқаради. Афсуски, баъзи қайноналарнинг оила борасида илми, тажрибаси йўқ, ташқаридан келган бир қизга қандай муносабатда бўлишни билмайди. Келинчак ёш, тажрибаси оз. Янги хонадонга ўрганиши учун бироз вақт керак. Бундай ҳолатда унга онасидек кўмақдош инсон, яъни қайнона самимий ёрдам бериши жуда муҳимдир. Бундан ташқари, оилада қайноталарнинг роли йўқ, «индама, тинч кўй», дея олмайди. Бу оилаларда эркалар роли

пасайиб кетаётганидан далолат.

Иккинчидан, йигитларга оила илмини ўргатиш зарур. Йигитларнинг назарида уйланиши керак, бўлди. Дунёқараш, фарзандлар тарбияси, тўғри келиши ҳақида ўйлаб кўрмайди, шу яхши оила фарзанди экан, чиройли экан, деган мезонлар билан келин танлашади. Демак, аввало, йигитларда оила илми, оилавий ҳаёт этикаси, оила бюджетини тузиш ва юриштиш, хунар ўрганиши тажрибасини шакллантириш керак. Эркалар оилани боқишга тайёр бўлиши лозим, фарзандли бўлишини, унинг харажати уйлаши зарур. Оила бошлиғи бўлиб туриб битта мих уролмаса ёки моддий таъминотни бўйнига ололмаса, бу оилада ҳаловат бўлиши амри маҳол.

Учинчидан, сериалларда қайнона ёмон кўрсатишни тўхташ лозим. Ҳозирги қизларнинг

онгида қайноналар ёмон, чунки сериал-киноларда қайноналарни ёмон кўрсатиш орқали шундай тушунчани пайдо қилиб бўлди. Қайнона — оилада диктатор, қайнона — иккинчи даражали, қайнонанинг айтганини қиладиган одам. Келин қайнона-қайнота-сида шу муносабатни кўряптими, ўзига ҳам шуни олади, у ҳам эртага шу ишни қилмоқчи бўлади.

Тўртинчидан, маҳаллаларда яраштириш институтини кучайтириш даркор. Йиғинларда оилаларни мустаҳкамлашга масъул комиссиялар, «Ота-оналар университети», «Қайноналар кенгаши» тузилмалари фаолиятини жонлантириш керак. Бу соҳада иш олиб борувчи фаолларни рағбатлантириш, масъулиятини янада ошириш зарур. Жойларда ёшларни оилага тайёрловчи маҳалла психологлар етишмаяпти.

Вазиятдан чиқиш учун мактаб психологи кўмагига суянамиз. Лекин улар болалар психологияси бўйича мутахассис, холос. Ёшларни оилага тайёрлаш эса алоҳида иш олиб боришни талаб қилади.

Бешинчидан, ёш оилаларни иш, уй-жой, реал даромад билан таъминлаш даражасини ошириш лозим. Болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда диний билимни кучайтириш, оила муқаддаслиги ғоясини сингдириш шарт. Шунингдек, ФХДЁ органлари орқали ажралиш тартибини бекор қилиб, ҳар қандай ажралишни суд тартибиде амалга ошириш тизимини жорий этиш даркор.

Шоира ТЎХТАМИШЕВА,
Навоий шаҳридаги «Янгиобод» маҳалласи раиси.

МЕНДА САВОЛ БОР...

«Энг яшил маҳалла» танлови ғолибига электромобиль берилади

Бобомурод ФАРМОНОВ,
Қоракўл туманидаги «Камолот» маҳалласи раиси:

— Айтишларича, эндиликда маҳалласида «Яшил макон» лойиҳаси доирасида намунали иш фаолиятини йўлга қўйган, «яшил боғлар» ташкил этган фуқаролар йиғинлари ўртасида танлов ўтказилиб, ғолиб маҳаллаларга автомобиль совға қилинар экан. Шу тўғрими? Агар шундай бўлса, унда иштирок этиш тартиби қандай?



Лола РАҲМОНБОВА,
Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими:

— Президентнинг 2023 йил 23 ноябрдаги «Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали эко-

логик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўра, «Энг яшил маҳалла» танлови ўтказилади.

Ҳар йили ташкил этиладиган танловда ғолиб бўлган 14 та маҳаллага (ҳар бир ҳудуддан биттадан) Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан маҳалланинг тегишли жамғармасига дарахтлар экиш ва суғориш, «яшил жамоат парки»ни

яратишга жами 500 миллион сўмдан ўтказиб берилади. Ўзини ўзи бошқариш органларига хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль харид қилиш ва топшириш чоралари кўрилади.

Шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси учун Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш учун «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган «Менинг боғим» лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Бунда аҳоли ташаббуси билан «яшил боғлар» ва «яшил жамоат парклари»ни ташкил қилиш бўйича майдон манзили ва расмлари кўрсатилган ҳолда қиймати 250 миллион сўмдан ошмаган ташаббус билдирилади. «Менинг боғим» лойиҳаларини шакллантириш ва уларга овоз бериш жараёни ҳар йили январь-февраль ойларида ўтказилади. Фармонга мувофиқ, автомо-

биль, темир йўл, дарё ва каналлар ёқалари, давлат органлари ва ташкилотлари ер участкаларининг фойдаланилмаётган қисмида (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) «яшил боғлар» ушбу ерларнинг эгалари, фойдаланувчилари ҳамда ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар ўртасида 10 йилгача тегишли шартларда тўғридан-тўғри тузиладиган икки томонлама шартнома асосида барпо этилади. Ер участкалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига «яшил боғ» барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

2024 йилда ўрмон фондининг 1,5 минг гектар ер майдонларида касаначилик асосида кўчат етиштириш ишларини йўлга қўйиш орқали камида 10 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Дарахт ва бута кўчатларини экишни ташкиллаштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ихтиёрий хайрия ўтказмалари бўйича хизмат кўрсатувчи «Яшил тўлов» платформаси жорий қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
7 840 нусxada чоп этилди.
Буюртма №: Г-1118
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

